Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 16 (13.278).
18 ЯНВАРЬ 1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Москва ва ленинградлик ташаббускорлар изидан

ТЕЖАМЛИЛИК — ШИОРИМИЗ

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Заводимизнинг аҳил коллективи Москва ва Ленинград саноат корхоналарининг металл ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, шу ҳисобга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги ташаббусига қўшилиб яхши натижаларни қўлга киритаётир.

Металл ва материалларни тежаш борасида рационализатор ва ихтирочиларнинг роли каттадир. Техника байроқдорлари «Т-62» маркали дизелнинг вазнини енгиллаштириш юзасидан берган таклифлари амалга ошиши натижасида ҳар бир машинанинг оғирлиги 480 килограммдан 390 килограммга туширилди. Бундан завод йилига бирнеча юз минг сўм иқтисодий фойда кўради.

Темирчилик-пресс цехи бошлиғининг ўринбосари Ю. Бушуровнинг «ТУ-05» универсал юклагичига қўйиладиган гайкани чиқиндидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилгандан сўнг ҳар бир машинадан 6 килограмм қора металл иқтисод қилинди. Машинасозлар йил охиригача бир неча ўн тонна қора ва рангли металл тежайдилар, шу ҳисобдан қишлоқ хўжалиги учун анчагина дизель ва насослар ишлаб чиқарадилар.

Б. ШЕРМАТОВ,
Андижон машинасозлик заводининг смена мастери.

ҚЎШИМЧА ЎН МАШИНА

Тошкент экскаватор заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари металл ва материалларни тежаб-тергаб сарфлашга қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Машинасозлар ишлаб чиқаришга янги техника, илғор технологияни жорий этиш, деталлар ва узеллар тайёрлаш жараёнларини таномиллаштириш йўли билан 120 тонна металл тежаш мажбуриятини олишди. Тежалган шунча металл ёрдамида планга қўшимча равишда 10 та экскаватор ишлаб чиқариш мумкин.

П. БОРШЧЕВ.

ИЖОДКОРЛАР ҲИССАСИ

Шаҳрисабз консерва заводида яқинда бўлиб ўтган ишлаб чиқариш кенгашида цех бошлиғи Петр Капитонов сўзга чиқиб бундай деди:

— Заводимизда металларни тежаб-тергаб сарфлаш учун анчагина имкониятлар бор. Гап ана шу имкониятлардан ўринли фойдаланишда қолган.

Петр Капитонов металларни тежаб сарфлашда шахсий намуна кўрсатяпти. Яқинда у консерва банкалари тайёрланадиган оқ тунукаларни авайлаб сарфлашга қаратилган янги таклиф берди. Унинг таклифига амал қилиш чиқитга чиқариб юборилаётган 15-20 тонна металлдан қўшимча бошқа материаллар тайёрлаш имконини бермоқда. Корхона коллективи бу йил тежалган металлар ҳисобига 200 минг дона консерва банкаси қопқоғи ва 300 минг дона кронпорки ишлаб чиқаради.

И. ЛОЖКИН.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми,

1946 йил 27 февралда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Шартномада ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Монголия Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида тузилган Битимда мустаҳкамланган мақсад ва принципларга совет ва монгол халқларининг содиқ эканликларини яна бир марта таъкидлаб,

ҳар иккала мамлакат халқлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида социалистик интернационализм принципларига асосланган традицион, бузилмас дўстликни, ҳар томонлама мустаҳкам ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдам муносабатларини бундан буён ҳам кучайтириш ва мустаҳкамлашни астойдил истаётганликларини ифодалаб,

ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг шу тарика ривожлантирилиши совет ва монгол халқларининг ҳаётий манфаатларига, шунингдек социалистик ҳамдўстлик манфаатларига муносиб эканлигига қаттиқ ишонган ҳолда,

Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам беришга қатъий қарор берган ҳолда,

1946 йил 27 февралда дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Шартнома ҳамда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳар иккала мамлакат ўртасида абадий дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик муносабатларини оғишмай ривожлантиришда тарихий роль ўйнаганлигини ва бу Шартнома ҳамда Битимнинг муддати ўтиб бораётганлигини эътиборга олиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришнинг бой тажрибасини, Осиёда ва бутун дунёда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, ана шу Шартнома ва Битим янгиланиши лозимлигини эътиборга олиб,

ушбу Шартномани тузишга қарор бердилар ва шу мақсадда: Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Леонид Ильич **Брежневни,**

Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми Юмжагийн **Цеденбални** вакил қилдилар. Улар тегишли форма ва тегишли тартибга мувофиқ деб топилган ўз ваколатларини ёйирбошлаганларидан кейин қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас традицион дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайдилар, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдамни социалистик интернационализм принциплари асосида ривожлантира берадилар.

2-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар икки томонлама асосида, шунингдек социалистик мамлакатларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги доирасида, шу жумладан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши йўли билан дўстона ўзаро ёрдам ва ўзаро наф кўриш принципларига мувофиқ суратда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамда илмий-техника ҳамкорлигини бундан буён ҳам ривожлантириб, кучайтира берадилар.

3-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар маориф, соғлиқни сақлаш, фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио ва телевидение соҳасида, шунингдек физкультура ва спорт соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш йўли билан ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий алоқаларни оғишмай ривожлантираверадилар.

4-МОДДА

Бу Шартнома асосида ва ана шу Шартномани бажариш учун ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида, шунингдек уларнинг тегишли муассасалари ва ташкилотлари ўртасида айрим шартнома ва битимлар тузилади.

5-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар социалистик ҳамдўстликнинг мудофаа қувватини тинмай мустаҳкамлаш вазифаларига мувофиқ суратда ҳар иккала мамлакатнинг мудофаа кобилиятини таъминлашда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар. Аҳдлашувчи олий томонлар ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига ёки тинчлик ҳамда халқаро ҳамкорлик манфаатларига таллуқли бўлган барча энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан маслаҳатлашадилар ва яхши традиция руҳида, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ суратда ҳаракат қилиб, ҳар иккала мамлакатнинг хавфсизлиги, мустақиллиги ва территориал бутунлигини таъминлаш мақсадида зарур чораларнинг ҳаммасини, шу жумладан ҳарбий чораларни ҳам биргаликда амалга оширадилар.

6-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришишга ва мустамлакачиликнинг ҳар қандай формалари ва кўринишларини тамомила тугатиш мақсадида ўз куч-ғайратларини сарф қила берадилар. Аҳдлашувчи олий томонлар ана шу юксак мақсадларни амалга оширишга қаратилган ва халқаро майдонда кўриладиган барча тадбирларда самимий ҳамкорлик руҳида қатнашишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар.

7-МОДДА

Аҳдлашувчи олий томонлар Осиёдаги давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик билан ўтказа берадилар, шунингдек ер юзининг ана шу қисмида империалистик агрессия хавфининг олдини олиш ва бу хавфни йўқотиш учун биргаликда ҳаракат қиладилар.

8-МОДДА

Бу Шартнома томонларнинг амалдаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар юзасидан олган мажбуриятларига дахл қилмайди.

9-МОДДА

Бу Шартнома ратификация қилиниши керак ва ратификация қилинган ёрлиқлар Москвада энг қисқа муддат ичида алмашинган кундан бошлаб кучга киради.

10-МОДДА

Бу Шартнома 20 йиллик муддатга тузилди ва аҳдлашувчи олий томонларнинг бири тегишли муддат ўтишидан ўн икки ой илгари хабар бериб, уни бекор қилишни истаганлигини билдирмаган тақдирда, Шартнома муддати ўз-ўзидан ҳар сафар яна 10 йилга узайтирилаверади.

Шартнома 1966 йил 15 январда Улан-Баторда ҳар бири рус ва монгол тилларида икки нусхада тузилди, ҳар иккала текст ҳам бир хил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг ваколати билан
Л. БРЕЖНЕВ.

Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг ваколати билан
Ю. ЦЕДЕНБАЛ.



Наманган сунъий тола ва костюмбоп газламалар комбинати қурилишида бу йил иш ҳажми деярли икки баравар кўпаяди. Ахат Равилов бошлиқ монтажчилар бригадаси коллективи биринчи квартал планини барвақт бажариш учун кураш мусобақасининг олдинги сафида боряпти. Суратда: смена топшириқларини 150-160 процент бажараётган бригадир А. Равилов.

Е. Корниенко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

СОВЕТ—МОНГОЛ АХБОРОТИ

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети ва МХР ҳукуматининг таклифига биноан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг партия-ҳукумат делегацияси расмий дўстлик визити билан 1966 йил 12 январдан 17 январгача Монголия Халқ Республикасида бўлди.

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Монголия Халқ Республикасида бўлган вақтда ҳар иккала томон партия-ҳукумат делегациялари бир-бирлари билан учрашдилар. Улар ўртасида дўстона суҳбат ва музокаралар олиб борилди. Ана шу суҳбат ва музокараларда қуйидаги кишилар қатнашдилар:

Совет томонидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари М. А. Полехин, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Қалмоқ область комитетининг биринчи секретари Б. Б. Городовиков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қозоғистон ССР маданият министри Л. Г. Галимжонова, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет Иттифоқининг Монголия Халқ Республикасидаги элчиси Л. Н. Соловьев;

Монголия томонидан — Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Ю. Цеденбал (делегация бошлиғи), МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари С. Лувсан, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Жагваралр, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХР Госпланининг раиси Т. Рагча, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва МХР Министрлар Совети иқтисодий ҳамкорлик давлат комитетининг раиси Д. Гомбожав, МХР ташқи ишлар министри М. Дугэрсурэн, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР Халқ армияси ишлари министри генерал-полковник Ж. Лхагвасурэн, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХРнинг СССРдаги элчиси Н. Лувсанчултэм.

Ахборотда бундай дейилади: Самимият, қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида ҳар иккала мамлакатда коммунизм ва социализм қурилиши, совет — монгол муносабатларини ривожлантириш, халқаро вазият ва жаҳон коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатига тааллуқли энг муҳим проблемалар юзасидан ўртоқларча фикрлашиб олинди. Музокаралар муҳокама этилган барча масалаларда ҳар иккала томон қарашларининг тамомила яқдиллиги ва бир хил эканлигини тасдиқлади.

Ҳар иккала томон чуқур мамнуният туйғулари билан яна шуни таъкидладиларки, марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм, тўла тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, бегараз, қардошларча ўзаро ёрдам, ўртоқларча қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ҳамкорлик принципларига асосланган қардошларча, дўстона совет — монгол муносабатлари муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда.

Томонлар иқтисодий ва техника ҳамкорлигининг яхши натижаларини қайд қилиб, бу ҳамкорликни икки томонлама асосда, шунингдек кўп томонлама тартибда, жумладан, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини яна таъкидладилар.

Томонлар 1946 йил 27 февралда дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган совет — монгол Шартномаси ва иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар иккала мамлакат ўртасида қардошлик ва дўстлик муносабатларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаганлигини зўр мамнуният билан таъкидладилар.

Бу Шартнома ва битимнинг муддати 1966 йилда тамом бўлишини эътиборга олиб, ана шу ҳужжатларда эълон қилинган мақсад ва принципларга содиқ эканликларини таъкидлашни истаб ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кўп йиллик тажрибасига асосланиб, томонлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шундан кейинги 20 йилга мўлжалланган янги Шартномани имзоладилар.

Ҳар иккала томон жаҳондаги воқеаларнинг ривожланишига 1965 йил 19 апрелдаги совет — монгол қўшма ахборотида берилган баҳо тамомила тасдиқланганлигини қайд қилдилар.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги вазият жаҳон социалистик системасининг мустаҳкамланаётганлиги, миллий озодлик курашн янада юксалиб бораётганлиги, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган кучларнинг ўсаётганлиги, янги мустақил давлатлар ва ривожланаётган давлатлар ролининг ўсиб бораётганлиги билан характерланади. Шу билан бирга, томонлар шуни қайд қиладиларки, империалистик давлатлар ва биринчи навбатда АҚШ жаҳоннинг социал жиҳатдан янгиланиш процессини ҳар қандай йўллар билан тўхтатишга зўр бериб уринмоқдалар. Бу эса халқаро вазиятнинг кескинлашувига ва уруш хавфининг кучайишига олиб келди.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Қўшма Штатларнинг Вьетнам халқига қарши олиб бораётган босқинчиларча урушини 1954 йилда Женевада тузилган битимларни жуда қўпол равишда бузадиган ва Шарқи-Жанубий Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчликни жиддий хавф остида қолдирадиган уруш деб топиб, уни қатъиян қоралайдилар.

Томонлар империалистик агрессияга қарши курашда қардош социалистик мамлакат — Вьетнам Демократик Республикасига бундан буён ҳам зарур ёрдам ва мадад кўрсатишга тайёр эканликларини таъкидлайдилар.

Ҳар иккала томон АҚШнинг Лаос ва Камбоджа ишларига қурол кучи билан аралашиб, Шарқи-Жанубий Осиёда уруш ҳаракатлари зонасини кенгайтириш йўлидаги ниятларини қатъиян қоралайди.

Томонлар мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, яқинда Тошкентда Ҳиндистон Бош министри билан Покистон Президенти ўртасида олиб борилган музокаралар ва Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши Осиёдаги ана шу ниятга йирик давлат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ва чинакам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишга қаратилган жуда муҳим халқаро тадбирдир.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси реакция ва империализм кучларининг Индонезияни империализмга, янги ва эски мустамлакачиликка қарши кураш позициясидан четга чиқариш йўлидаги ниятларини мусобаати билан ташвишланаётганликларини билдирадилар ва реакциянинг Индонезия Коммунистик партиясига қарши ўтказаётган репрессияларини қатъиян қоралайдилар.

Томонлар Хитой халқининг Тайванни озод қилиш учун олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганликларини яна изҳор қиладилар, чанкайшичилар тўдасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳайдаб чиқариш ва шу ташкилотда Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш кераклигини яна уқтириб ўтадилар.

Ҳар иккала томон Америка қўшинлари Жанубий Кореядан дарҳол олиб чиқиб кетилсин, деб яна бир марта қатъий талаб қиладилар ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг Кореяни корейс халқи томонидан тинч йўл билан бирлаштириш ҳақидаги программасини қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қиладилар.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг 1965 йил 21 декабрдаги баёнотига тамомила қўшиладилар. Бу баёнотда Япония—Жанубий Корея шартномаси кескин суратда қораланади.

Ҳар иккала томон давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик ва мустақиллик ҳамда суверенитетни ҳимоя қилиш тўғрисида Совет ҳукуматининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XX сессиясида қабул қилинган декларацияга қаттиқ риоя қилиш ҳозирги шароитда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳар қандай формалари ва кўринишларини қатъиян қоралайдилар ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкасининг ўз озодлиги учун, иқтисодий ва сиёсий мустақилликка, ўз суверенитетига эришиш ва уни мустаҳкамлаш учун ҳаққоний кураш олиб бораётган барча мамлакатлари ва халқлари билан бирдамлик туйғуларини изҳор қиладилар.

Томонлар Ян Смит ирқчилар тўдасининг Жанубий Родезияни қалбаки равишда мустақил деб эълон қилганлигини ва мамлакатда яшовчи африкалик аҳолининг миллий ва социал жиҳатдан озод бўлишдан иборат ажралмас ҳуқуқларининг сурбетларча поймол этилаётганлигини қаттиқ қоралайдилар. Улар қонунга хилоф бўлган ана шу ишмпериалистик кучларнинг Жанубий Африка республикаси типидаги ирқчи режимлар ва иттифоқи асосида Жанубий Африкада мустамлакачилик қарорғоҳини ўюштиришдан иборат жиноий планининг тарқибий қисмидир, деган фикрни яқдиллик билан изҳор қилдилар.

Томонларнинг фикрича, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг бирдамлиги, уларнинг жаҳондаги барча антиимпериалистик кучлар билан жипслиги ҳозирги халқаро вазиятда эски ва янги мустамлакачиликни тамомила тугатиш учун, империалистик агрессияга қарши ва бошқа давлатларнинг ишларига аралашишга қарши, тинчлик ва тараққиёт учун курашда муҳим омилдир.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари бирдамлиги биринчи конференцияси юқорида айтилган мақсадларни амалга оширишда муҳим босқич бўлди, деб ҳисоблайдилар ва жуда кўп вакиллар қатнашган ана шу жамоат фикрининг қарорларини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини билдирадилар.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доиралар ўтказиб келаётган реваншчилик ва милитаризм сиёсати, уларнинг ядро қуролини қўлга олиш учун тўхтовсиз қилаётган ҳаракатлари ва Европанинг сиёсий харитасини ўзгартириш ҳақидаги талаблари Европада тинчлик ва осойишталикка жиддий хавф туғдиради, деб ҳисоблайдилар. Ғарбий Германияда империализмнинг энг реакцион ва энг урушқоқ отряди АҚШдаги ва Ғарбнинг бошқа баъзи мамлакатларидаги экстремист кучлар билан иттифоқ бўлиб, халқаро ҳаётнинг олдинги майдонига чиқиб олиш учун зўр бериб уринмоқда. Бундай шароитларда жуда ҳам ҳушёр бўлиш ва зарур бўлиб қолган тақдирда агрессиянинг олдини олиш ва социалистик давлатларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш керак.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси немис тупроғида тинчлик ва социализм таянчи бўлган Германия Демократик Республикаси билан қардошларча бирдам эканликларини билдирадилар. Томонлар Европа хавфсизлигини таъминлаш ва Европада мавжуд бўлган реал аҳволни эътиборга олиб, Германия масаласини тинч ҳал этишга эришиш мақсадида самарали чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳар иккала томон, дейилади ахборотда, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузишга эришиш, қуролланиш пойгасини чеклаш ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ва зўр ғайрат билан қилинаётган ишларни давом эттириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Томонлар АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг агрессивлиги кучайиб бораётган ҳозирги шароитда жаҳондаги барча антиимпериалистик, прогрессив кучларнинг, барча эрксевар халқларнинг, барча социалистик мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан кўра кўпроқ зарур, деб таъкидладилар.

Ҳар иккала делегация ҳозирги пайтда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида рўй берган аҳвол юзасидан фикрлашиб олганларидан кейин, бу масалада КПСС ва Монголия Халқ революцион партиясининг қарашлари тамомила бир хил эканлигини яна мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар шуни қайд қиладиларки, КПСС ва Монголия Халқ революцион партияси жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлида бошқа қардош партиялар билан биргаликда кўп кучғайратларини сарфламоқдалар. Умумий курашда бирлаштирадиган нарсалар коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги муносабатларда асосий ва энг муҳим нарсалар бўлиши керак. Партиялар ўзаро муносабат нормалари ва тенг ҳуқуқлилик принципларига изчиллик билан риоя қилиш ва бошқа партияларнинг ички ишларига аралашмаслик, учрашиш ва маслаҳатлашиш йўли билан ўртоқларча фикрлашиб туриш — бирликка эришишнинг зарур шартидир.

Ҳар иккала делегация халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган қийинчиликларни бартараф қилишга, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслиги ва бирлигини мустаҳкамлашга, қардош коммунистик ва ишчи партиялар биргаликда ишлаб чиққан ҳамда 1957 йил Декларациясида ва 1960 йил Баёнотида ифода этилган мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилган тадбирларни бундан буён ҳам давом эттиришга қатъий қарор бергаликларини билдирдилар.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Монголия Халқ Республикасига қилган визити ва янги совет — монгол Шартномасининг имзоланиши СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида, КПСС билан Монголия Халқ революцион партияси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда кучайтиришга қўшилган янги муҳим ҳиссадир, булар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлигини, социализмнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга, тинчликни мустаҳкамлашга ишга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

Ахборотни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. Брежнев ва Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал имзоладилар. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси бугун Москвага қайтиб келди. Делегация расмий визит билан Монголия Халқ Республикасига борган эди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси ҳам шу самолётда қайтиб келди. Делегация Вьетнам Демократик Республикасига борган эди.

* * *

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Совет делегацияси Гаванадан бугун Москвага қайтиб келди. Делегация Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари бирдамлиги биринчи конференциясида ва Куба революциясининг VII йиллиги байрамида қатнашди.

Шереметьево аэродромида делегацияни совет жамоатчилиги вакиллари, шунингдек Куба Республикасининг СССРдаги мувақкат ишлар вакили Мануэль Гарсиа Фуэнтес бошлиқ Куба элчихонасининг дипломатлар состави кутиб олдилар.

АКАДЕМИК С. П. КОРОЛЁВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Минг-минглаб москваликлар йирик совет олими, СССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси, коммунист, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Сергей Павлович Королёв билан видолашмоқ учун 17 январда Союзлар уйининг Колонна залига келишди.

С. П. Королёвнинг жасади солинган тобут пальма дарахтлари билан ўралган ва гуллар билан қопланган супага қўйилган.

Дафн этиш маросимини ўюштирувчи давлат комиссиясининг аъзолари ҳамда СССР космонавтчувчилари фахрий қоровулда турадилар.

Москваликлар, корхоналар, министрликларнинг, илмий тадқиқот институтларининг делегациялари кетма-кет келиб турибдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари энг йирик совет олими С. П. Королёв билан хайрлашмоқ учун бу ерга келдилар. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков тобут ёнида фахрий қоровулликда турдилар.

Хайрлашувнинг сўнгги дақиқалари. С. П. Королёв жасади қўйилган тобут ёнига унинг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари кела дилар.

Мотам садолари янграйди...

(ТАСС).

Умумхалқ контроли

ЭНЕРГИЯ—ХАЛҚ БОЙЛИГИ ◆ ТАШАББУСКОР НАЗОРАТЧИ ◆ ДАВЛАТ МУЛКИ—МУҚАДДАС ◆ ҚИШЛОҚ ЗАКАЗЛАРИ ВАҚТИДА БАЖАРИЛСИН ◆ МАЙДАЧУЙДАГА ЎХШАЙДИ-КУ, АММО... ◆ ИШ СИФАТИ СОЗ БЎЛСИН

УНУТИЛГАН ЗАКАЗ

Қўқондаги «Большевик» механика заводи ўтган йилнинг бошларида «Средазхлопкопром» томонидан муҳим бир заказ олди. Заказга биноан завод пахта қуритадиган 180 барабан-қуритгич тайёрлаб бериши керак эди.

Завод коллективи ўз ваъдасининг устидан чиқди. Улар сентябрь ойидаёқ 189 дона барабанни тахт қилиб қўйдилар. Чунки бу маҳсулот колхоз ва совхозларга жуда зарур эканлигини яхши билар эдилар.

Аммо «Средазхлопкопром»даги ўртоқлар ўзлари заказ қилган барабанларни тўлиқ олиб кетмадилар. Ҳар бири 3 минг 244 сўм турадиган 28 дона барабан ҳозиргача очиқ майдонда занг босиб ётмоқда. Бу нарса на завод ва на «Средазхлопкопром» раҳбарларини ташвишга солаётир.

Р. МАМАЖОНОВ,
завод халқ контроли группасининг аъзоси.

Пойтахтимиздаги 2-пойафзал фабрикасининг халқ назоратчилари маҳсулот сифатини яхшилаш ва айниқса хом ашёларни текшириб-тергаб сарфлаш борасида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Назоратчилар корхона ишлаб чиқаришининг ҳамма участкаларига кўз-қулоқ бўлиб туришади. Суратда: халқ контроли группасининг аъзоларидан (чапдан) Нина Плеханова, Вера Кряжева, Ҳамид Расулов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

БИР СИГНАЛДАН СЎНГ

Хоразм область халқ контроли комитетига штатсиз инспектор В. А. Тарасовадан сигнал тушди. Унда «Союзпечать» системаси ташкилотларида суистеъмолларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатилган эди.

«Союзпечать» системасига қарашли ташкилотларда ревизия ўтказилди, фактлар синчиклаб текширилди. Давлат маблағларини ўзлаштириш ҳисобига шахсий бойлик орттириш йўлига ўтиб олган шахсларнинг кирдикорлари фош қилинди, улар халқ олдида шармандa бўлдилар.

Ревизияда аниқланишича, юлғичлар 25 минг сўмдан ортиқ давлат маблағини ҳар хил қалбаки йўллар билан талон-торож қилганлар. Урганч шаҳар ишлаб чиқариш участкаси, область матбуот тарқатиш бўлими, Шовот ва Янгиариқ районлари агентликларида кўп миқдорда маблағлар ўзлаштирилган.

Гарчи турли найрангларг ишлатиб, калаванинг учини чувалаштирган бўлсалар ҳам хиёнатчилар тумшуғидан илиндилар. Мана, улар: область матбуот тарқатиш бўлимининг собиқ бошлиғи О. Девонова, бухгалтери С. Головина, инструкторлардан В. Головина, Р. Жуманиёзов, заказни ишлаб тайёрловчи Х. Рўзиматова ва бошқалар. Бу шахслар ўзаро тил бириктириб, обуна тўплаш даврида давлат пулини «арра» қилганлар. Нақд пулга квитанциялар ёзиб бериш, кассага кирим қилмаслик, сохта квитанциялар ёзиш йўли билан бир неча минг сўм ўмариб қолинган. Ходимларни «мукофотлаш» бўйича сохта ведомость тузилиб, анча пул ўзлаштирилган.

Юлғичлар «мен ўғриман» демасалар ҳам, ўзлаштирилган пулнинг бир қисмини ревизия пайтида қайтариб беришди. О. Девоновадан 5.517 сўм, Х. Рўзиматовадан 1.174 сўм, С. Г. Головинадан 1.150 сўм, В. Ф. Головинадан 770 сўм ундириб олинди.

«Союзпечать» системасига ўрнашиб олган қинғир-қўлли шахслар вазифаларидан четлатилди. Лекин, нима учундир ҳалигача жиноий жавобгарликка тортилмадилар. Жиноятчи О. Девонова эса жазодан қутилиш учун ўзини тўрт томонга уряпти, партия билети чўнтагида...

Ўғри қўлга тушгач, мугомбирлик қилиши, сувдан қуруқ чиқишга уриниши турган гап. Аммо, давлат маблағига кўз олайтирган шахсларга асло шафқат қилмаслик, уларни қилмишларига яраша қаттиқ жазолаш керак. Совет қонуни, адолат шуни тақозо этади.

А. ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Хоразм область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Муросасизлар сигнали

УСТИ ЯЛТИРОҚ...

Шаҳарга бормоқчи бўлганимни эшитиб, икки дўстим мендан илтимос қилди:

— Биродар, чиройлироқ чемодан учраса, ола кел!

— Хўп бўлади, — дедим.

Самарқанд шаҳрини айлана-айлана, охири автовокзалдаги универмагдан излаган нарсамни топдим. Дўстларимни хурсанд этиш учун ҳар бири 3 сўм 80 тийинлик учта чемодан олдим. Сафдошларим совғани кўриб қувонишди. Уни қўлга олиб у ёқ бу ёғини кўра бошлашди. Бир икки очиб-ёпилгач чемоданнинг елимланган четлари кўчиб кетди. Бирининг бурчаги қизилуруғдан ёрилиб дарз кетди. Яна бирининг қопқоқ михлари чиқиб кетди. Биз чемоданларга ёпиштирилган бир парча қоғозга тикилиб қолдик. Унда ушбу сўзлар битилган:

«1-сорт. Тошкент тери ишлаш фабрикаси. ОТК — 12. 16. 12. 65 й.».

Таажжуб! Биринчи сорт маҳсулот шундай бўлса, бошқа сортларини олган харидорнинг аҳволига вой эканда!

А. УСТАМАВЛОНОВ.

БИЗГА НАВБАТ ТЕГАРМИ?

«Кўчалар, кўчалар,
Ойдин кўчалар...»

Бу орамбахш куй радиодан қанот қоққанда, жарқўрғонликларнинг баъзилари чуқур хўрсиниб, баъзилари эътиқиб қўйишади.

— Оҳ, шундай қўшиқни айтиш учун бизга қачон навбат тегади? — дейди яна бириси.

Гап шундаки, Термиздан Жарқўрғонга борадиган йўл бир неча йилдан буён бузилиб етибди. «Партия XXII съезди» колхозининг Большевик участкасидаги кўприк бир йилдан буён тузатилмаётир. Машиналар пахтазор пайкалларини айланиб, ёзда чанг, қишда лойга ботяпти. «Ленин йўли» совхози территориясида эса йўл ремонти ўтган йилнинг баҳорида бошланган эди. Ёз бўйи машиналар йўлни айланиб, ўнқир-чўнқир пайкалдан юриб, бирининг рессори, бирининг амортизацияси, бошқасининг баллони бузилди. Қиш ҳам ўтиб бормоқда. Лекин йўлнинг тузалишидан нишона йўқ.

Сурхондарё область йўл қурилиш бошқармаси раҳбарлари бу томонга зора бир нигоҳ ташласалар-у, бизлар ҳам нўксимизни кериб: «Бунча ҳам гўзалсиз ойдин кўчалар», деб хирғойи қилишга муяссар бўлсак.

Қ. ЭРНАЗАРОВ.

ЎГАЙ МАГАЗИН

— Туз борми?

— Йўқ.

— Керосин-чи?

— Ҳали олиб келмадик.

— Болалар шими топиладими?

— Бизда йўқ!

Ана шунақа савол-жавобдан тинкаси қуриб, таби тиррик бўлган харидор ниҳоят:

— Бўлмаса магазинингизда нима бор?!— дейди.

— Каминанинг ўзлари бор, — дейди магазин мудири Раҳматилла Пирматов зўрма-зўраки жилмайиб.

Тошкент область, Янгийўл район, Собир Раҳимов номли колхозининг Ғайрат участкасидаги магазинга меҳнаткашлар учун кундалик зарур моллар келтирилмаётир. Одамлар бунинг сабабини сўрашса магазин мудири Р. Пирматовнинг баҳона-рўкачи шу:

— Чиноз матлубот жамияти раиси ўртоқ Қосимованинг арпасини хом ўрганман. У бизнинг магазинни «ўгай» деб атайди. Молларнинг тарновини бошқа ёққа қийшайтириб қўйган,— дейди.

Ким айбдор? Бу саволни ечиш ҳамда сансалорликка чек қўйишда Янгийўл район ижроия комитетидаги ўртоқлардан мадад ва нажот кутамиз.

А. ТОШМАТОВ,
колхоз участка кутубхонасининг мудири.

И. БАГИСБЕКОВ,
колхозчи.

* * *

Шунингдек, муросасизлардан М. Миржалилов, М. Абдиров Андижон область, Янгиқўрғон районидаги Ильич номли колхоз марказ билан Равот ишлоғи ўртасидаги йўлни тузатишни, Т. Ибодов Қашқадарё область, Шаҳрисабз район Калинин қишлоқ Советидаги «Пахтакор» колхозига борадиган катта йўл 8 йилдан бери ўнқир-чўнқир бўлиб, эътибордан четда қолганлигини ёзиб юборганлар. Қишлоқ ўқитувчиси Қ. Имомхўжаев Андижон область, Қўрғонтепа районига қарашли Султонобод — Қорасув қишлоқлари ўртасида автобус қатновини уюштириш зарурлигини, З. Миров эса Фарғона область, Олтиариқ районидаги Риштон қишлоғига автобус қатновини тартибга солишни илтимос қилганлар.

ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Электр энергияси, ёқилғи ва ёнилғилар халқ бойлигидир. Улардан тежаб-тергаб фойдаланиш халқ хўжалигимиз учун, социалистик экономикамиз учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. СССР Министрлар Совети шуни кўзда тутиб, 1964 йилнинг 28 ноябрида махсус қарор чиқарган эди. Бу қарорни амалга оширишда партия, совет ташкилотлари билан бир қаторда халқ контролёрлари ҳам актив иштирок қилмоқдалар. Айниқса, Тошкент области саноат корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида бу соҳада ибратли ишлар қилинди. Кўпгина саноат корхоналарида назоратчиларнинг бевосита иштироки билан оммавий рейдлар ўтказилиб, электр энергияси ва бошқа хил энергияларни иқтисод қилишдаги камчиликлар рўй-росточиб ташланди, камчиликларни тезроқ бартараф қилишга ёрдам берадиган тадбирлар белгиланди. Жойларда ўтказилаётган оммавий рейдлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини беряпти. Чунончи, аввалги йили область бўйича тахминан 100 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 130 миллион киловатт-соатни ташкил этди.

Пойтахтдаги «Узбексельмаш» заводи халқ контролёрлари ажойиб намуна кўрсатиб ишлаяптилар. Ўртоқ М. Меркулов раис бўлган халқ контроли группасининг аъзолари корхонанинг ҳамма цехларини бирма-бир кўздан кечирдилар. Маълум бўлишича, маъмурият томонидан назорат сусайганлиги туфайли корхонада ҳар суткада қариб 4 минг киловатт соат электр энергияси, 200-230 килограмм ёқилғи ҳамда ёнилғи беҳуда сарфланган. Контролёрлар, бундан ташқари, айрим цехларда технология режими бузилаётганини аниқладилар. Масалан, «ТВБ-455» маркали детал кичик пресларда қирқилганлиги натижасида сифати бузилган. Шунингдек, қуюв цехида ҳам дастгоҳлардан тўғри фойдаланмаслик натижасида электр энергияси исроф бўлган. Корхона маъмурияти, иқтисодчи мутахассислари идораларди электр чироқларининг кўпинча бефойда ёниб ётишига бефарқ қарашган.

Газ билан ишлайдиган печлардан ҳам самарали фойдаланилмайди. Ўтган 6 ой ичида қариб 31 тонна газ исроф бўлгани сўзимизнинг далилидир. Халқ контроли группаси жамоатчилари ҳар бир тонна пўлат қуюшга кетадиган коксни нормалаштириш масаласи билан қизиқиб, бу соҳада ҳам исрофгарчилик юз бераётганини очиб ташлади. Бир тонна пўлатни қуйиш учун 270-280 килограмм кокс бемалол кифоя қилгани ҳолда заводнинг бош металлург бўлими бу нормани негадир 457 килограмм қилиб белгилаган.

Контролёрлар очиб ташланган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган фойдали таклиф ва мулоҳазаларни маъмуриятга ҳамда корхона партия ташкилотига ҳавола қилдилар. Даҳол мутахассислар, коммунист ва комсомоллардан иборат махсус комиссия тузилиб, унга назоратчилар аниқлаган нуқсонларни тездан бартараф қилиш вазифаси топширилди. Мутахассислар корхонанинг ҳамма участкаларида электр энергияси, ёқилғи ва ёнилғидан фойдаланиш нормаларини қайта кўриб чиқдилар.

Чилонзор районидаги корхоналарнинг назоратчилари ҳам энергияни иқтисод қилиш резерврларини излаб топишда ташаббус кўрсатишяпти. Чунончи, тери комбинатидаги халқ контроли группасининг (раиси ўртоқ А. Кравец) таклифи билан компрессорнинг двигатели ўзгартирилди. Бунинг оқибатида икки ой мобайнида 32 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга эришилди. Шунингдек, сув насос станцияси ишини тўғри ташкил қилиш туфайли 2,5 минг киловатт-соат энергияни тежаш имконияти туғилди.

Пластмасса буюмлари заводида икки ой мобайнида 100 минг киловатт-соат, гўшт комбинатида 78 минг киловатт соат электр энергияси тежалди. Агар 5-гишт тайёрлаш бошқармаси ўтган йилнинг бошида 26 минг киловатт соат энергияни исроф қилган бўлса, йил охирига келиб 99 минг киловатт-соат электр энергияси тежалди. Буларнинг ҳаммаси тиниб-тинчимас халқ назоратчиларинг зийраклиги туфайли қўлга киритилди.

Тошкентдаги Октябрь райони назоратчилари ҳам орқада қолишмаяпти. Уларнинг бевосита аралашуви натижасида кўп жойларда энергияни исроф қилиш ҳоллариға чек қўйилди. Масалан, назоратчилар керамика заводида лой пишитиш печларини электр энергияси билан эмас, балки ёнилғи билан ишлатиш ҳақида таклиф киритдилар. Бу эса энергияни тежашда катта роль ўйнаяпти. Райондаги 10-авторемонт заводида энергияни сарфлаш нормалари ҳадеб ўзгартирилаверди. Халқ контроли группасининг таклифи билан бу соҳадаги тартибсизликларга барҳам берилди. Чунончи, иссиқлик печининг ишлаши бир меъёрга солинди, шунингдек ҳисоблаш конденсатори ўрнатилди.

Шаҳардаги 2-пойафзал фабрикаси назоратчилари энергияни тежаш борасида яхши тадбирлар белгилаб, уларни амалга ошириш учун астойдил қурашяптилар. Агар бу тадбирлар охирига амалга оширилса, корхона йилига қариб 320 минг киловатт-соат энергия иқтисод қилиши мумкин. Айниқса қуритиш асбобларининг буғ билан ишлашга кўчириш, лойиҳа қувватига мос бўлмаган моторларни алмаштириш, цехлардаги лампочкаларни неон лампаларига алмаштириш каби тадбирлар шубҳасиз яхши натижа беради.

Фрунзе райони корхоналарида электр энергияси ва бошқа хил энергияларни тежаш йўлида қилинаётган ишлар ибратлидир. Районнинг энг йирик корхонаси бўлган тўқимачилик комбинатида контролёрларнинг ташаббуси билан бир қатор тадбирлар амалга оширилдики, бунинг натижасида анча электр энергияси тежалди. «Таштекстильмаш» заводида ўтган йилнинг сўнгги икки ойида 176,6 минг киловатт соат энергия иқтисод қилинди. Бунга қуйиш машиналарини газ билан ишлашга кўчириш, айрим деталларни агрегат станокларида тайёрлаш, электр печларининг термоизоляциясини янгилаш туфайли эришилди. Шунингдек, иссиқлик печлари иш режимини автоматик равишда назорат қилиш ва бошқа шу каби тадбирлар ҳам катта фойда келтиряпти.

Янгийўл шаҳар халқ контроли комитети томонидан 26 корхонада текшириш ўтказилди. Текширишларда назоратчилардан тащқари 160 мутахассис иштирок қилди. Бир қатор корхоналарда энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилмаётгани маълум бўлди. Бу ўринда пахта тозалаш заводи, 8-гишт заводи бошқармаси, 896-қурилиш бошқармаси, мебель фабрикаси ва бошқа айрим корхоналарни кўзда тутяпмиз. Мазкур корхоналарда машиналар ва ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича деярли иш олиб борилмаётир. Ёг-мой комбинатида иссиқлик энергиясини иқтисод қилишнинг кенг имкониятлари мавжуд. Лекин комбинат маъмурияти, партия ташкилоти бу имкониятларни тўла ишга солиш юзасидан ҳеч парса қилмаётирлар. Энергияни тежаш бўйича тадбирлар белгиланади-ю, қоғозда қолиб кетади. Чунончи, кондитер фабрикасида сув босимини ошириб берадиган махсус башня қурилиши керак эди. Шундай қилинганда йилига камида 157 минг киловатт-соат энергияни тежаш мумкин эди. Лекин башня қурилиши пайсалга солинди. Шунингдек, бу ерда асоссиз равишда юқори қувватли электродвигателлар ишлатиляпти.

Олмалиқдаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати областнинг йирик корхонасидир. Область халқ контроли комитети ана шу корхонада электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланишнинг аҳволини аниқлаш мақсадида махсус комиссия тузди. Комиссия составига кон ишлаб чиқаришини пухта биладиган мутахассислар киритилди. Комиссия аъзолари комбинатнинг ҳамма участкаларида бир неча кун бўлиб, энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги ишлар билан батафсил танишиб чиқдилар. Текшириш шуни кўрсатдики, комбинатда энергияни иқтисод қилишга қаратилган тадбирлар тез-тез белгилаб турилади. Лекин уларни ҳамма вақт ҳам тўла бажариш устидан назорат қилиб турилмайди. Комбинатнинг рух саралаш ва қўрғошин саралаш фабрикалари бутун корхона сарфлайдиган энергиянинг 80 процентини ишлатади. Шунинг учун ҳам мазкур фабрикаларнинг фаолиятига контролёрлар асосий эътиборни қаратди. Мазкур корхоналарда энергиядан фойдаланишда йўл қўйилаётган нуқсонлар очиб ташланди. Эндиликда комбинат маъмурияти ҳамда бошланғич партия ташкилотлари халқ назоратчилари таклиф ва мулоҳазалари асосида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қурашмоқдалар.

Халқ назоратчиларининг энергияни тежаш юзасидан бошлаган оммавий ҳаракати давом этяпти. Бу юришда саноат корхоналаридаги халқ контроли группа ва постлари айниқса актив иштирок этишяпти. Лекин кези келганда шуни айтиш керакки, областимизнинг районларидаги халқ контроли органлари бу соҳада негадир ташаббус кўрсата олмаётирлар. Ахир, қишлоқ районларида ҳам энергияни тежашнинг битмас-туганмас резервлари бор-ку! Қишлоқ контролёрлари ҳам халқ бойлиги—электр энергияси, ёқилғи ва ёнилғини тежашга муносиб ҳисса қўшмоқлари керак.

С. АҲМЕДОВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШОНЧ

Крупская номли колхозда ҳар гал халқ контроли группасига раис сайлашда анча-мунча тортишувлар бўлади. Бўлажак раис номзоди ҳар тарафлама муҳокама қилинади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Ниҳоят группа аъзолари:

— Ҳайит Тожиевни группага раис қилиб сайлаймиз, — деган қарорга келишди.

Ҳайит Тожиевнинг биографияси ҳаммага маълум. Бу киши Қизилча яйловида ўттиз беш баҳору, ўттиз беш қишни кутиб олди. Ўрта мактабни битиргач, колхозда ишлади. Ёшлигиданоқ жамоат ишларига қизиқиши зўр. Бир неча йил колхоз комсомол ташкилотига секретарлик қилди.

Мана бугун эса колхоз назоратчилари уни группанинг раиси қилиб сайлаяптилар.

— Раҳмат, раҳмат, дўстларим, шунчалик ишонч билдирганлигингиз учун, — деди у, — бу ишончни мен, халқ топшириғи, партия ташкилотининг топшириғи деб биламан. Ҳаракат қиламан...

Кўмаклашувчи группанинг янги состави аллақачон ишга тушиб кетди. Иш плани тузилиб, колхоз ферма ва бригадаларида текширишлар ўтказиш мўлжалланган.

— Группа аъзоларини ташвишга солаётган нарса, — дейди Х. Тожиев, — чорва қишловини пухта ўтказиш масаласидир. Негаки, колхозимиз асосан чорвадор. 15000 қўй-эчкимиз, 700 дан ошик қорамол, от, паррандамиз бор. Бултур 1800 тонна ем-хашак жамғариш планлаштирилган эди. Лекин бу сохадаги ишлар анча суст борди. Назоратчилар мўл-кўл озуқа базаси яратиш юзасидан контролни кучайтирдилар. Бу масалага правлениенинг эътибори қаратилди. Шу туфайли ем-хашак кўп миқдорда тайёрланди.

Группа аъзолари фермаларда, сурувларда бўлиб, қишга тайёргарликнинг бориши билан қизиқдилар. Кўп жойларда 1964 йилдан қолган ем-хашак борлиги ва бу қимматбаҳо озуқа беҳуда сарфланаётганлиги аниқланди. Бригадаларда озуқа тайёрлаш яхши уюштирилмаганлиги қайд этилди. Ем-хашак тайёрловчи бригадаларда меҳнатни яхши ташкил этиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш, қўшимча ишчи кучи ажратиш масаласи колхоз правлениеси муҳокамасига ҳавола қилинди. Шу кунларда группа аъзолари қишловни уюшкоқлик билан ўтказишда чорвадорларга яқиндан ёрдам беришяпти.

Колхоз назоратчиларининг ибратли ишлари жуда кўп. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, давлат планларини бажариш, маблағларни тежашни қатъий режимга солиш устидан контроллик қиладилар. Интизомсизлик ва сансалорлик, бўшашувчилик ва хўжасизликни бартараф қилишда ҳам бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Айниқса текинхўрлик ва жамиятга ёт бошқа ҳолларга қарши кураш кучайтирилди.

Ғузор районидаги Крупская номли колхоз контролёрлари ана шундай жонкуяр кишилардир. Йўлов назоратчилари туну-кун далада, омма орасида, механизатор, сут соғувчи ва чўпонлар даврасида. Уларни халқ ишончи олга бошлайди, узоқларга парвоз қилдиради, илҳомлантиради.

Р. УРОҚОВ.

— Қойил, тежамкорлик шундай бўлса...

Материалларни тежашни энди эслади.

М. Воробейчиков чизган расмлар.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

ШТАТСИЗ ИНСПЕКТОР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Халқ контроли комитетида Гўзал Шарифхўжаеванинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Комитет муҳокамасига жамоатчилик асосида масала тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, қарор лойиҳасини ёзиш, ижрони текшириш ҳақида гап борганда, «бу вазифани ўртоқ Шарифхўжаева ўринлайди», дейишади комитет ходимлари ғурур билан. Меҳнаткашларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, ариза ва шикоятларни одиллик билан ҳал қилишни кимга топшириш керак? Яна Г. Шарифхўжаеванинг номи такрорланади. Хуллас, бу қизнинг меҳнат фаолияти Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ҳаёти билан чамбарчас боғланган. У ўзининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, қишилар қалбига йўл топа билиши билан тезлиқда жамоатчилик орасида яхшигина обрў қозонди.

Комитетнинг топшириғи билан штатсиз инспектор пойтахт районлари халқ судларида меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини қараб чиқиш тартибини назоратдан ўтказди. Топшириқни бажаришда принципиаллик, қаттиққўллик кўрсатди. Ижобий иш услубларини ўрганиб, ана шу услубларни кенг оммалаштириш режаларини тузди. Йўл қўйилган камчиликларни дадил очиб ташлади, ўз ишида бепарволикка йўл қўйган кишиларнинг нуқсонларини юзига айтди.

Қуйбишев район халқ судида меҳнаткашларни қабул қилиш яхши ташкил этилган. Ариза ва шикоят билан келувчилар учун махсус хона ажратилган. Лекин айрим кезларда кун тартиби бузилади. Масалан, айрим судьялар қабул кунлари гражданлик ишини кўриш билан банд бўлади. Натижада иш билан келган қариялар, болалик оналар арз-ҳолини айтолмай, узоқ вақт кутиб қоладилар. Штатсиз инспектор судьялар билан суҳбат ўтказди. Йўл қўйилган камчиликни тугатишга қаратилган маслаҳатлар берди.

Орадан қисқа вақт ўтгач, маслаҳатнинг ижросини текширди.

Халқ контроли комитети штатсиз инспекторларнинг мулоҳазаларини тўла маъқуллади, бу ҳақдаги материалларни станция коллективи муҳокамасига тавсия этди. Коллектив материални муҳокама қилиб, катта тадбирлар белгилади. Сўнгги вақтдагина телефон тоҳчалари сони уч мингтага кўпайтирилди. Мавжуд алоқа тармоқлари ишини яхшилаш, янги объектларни телефонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

Комитет ходимлари, шу жумладан Г. Шарифхўжаева планли ишлашга ўрганганлар. Штатсиз ходимлар ҳар ойнинг бошида ўз таклиф ва мулоҳазаларини штатсиз бўлимга тақдим этадилар. Шу асосда бир бутун план бунёдга келади. Унга уйғунлашган индивидуал планлар тузилади. Режа белгилашда барча тармоқларни қамраб олишга эътибор берилади. Қачон, қаерда, қандай тадбир амалга оширилиши кўрсатилади. Шуни таъкидлаш керакки, иш жараёнида планга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Аммо белгиланган тадбирларнинг қоғозда қолиб кетишига йўл қўйилмайди.

Текшириш вақтида қизиқ воқеа рўй берди. Ковалева деган аёл яхшигина ишчи эди, кунлик топшириқларни бажарар, жамоат ишларида актив қатнашарди. У кунларнинг бирида штат қисқарганлиги туфайли ишдан бўшатилгани ҳақида буйруқ олди. Ишчи ўша заҳоти ўртоқ Шарифхўжаевага мурожаат қилди. Масала комитетда кўрилиб, Ковалева ўз ишига қайтарилди. Бу факт партиядавлат контроли комитетининг штатсиз ходими меҳнат аҳлининг ҳимоячиси, жонкуяр дўсти эканини кўрсатади.

— Кун ора ўн икки-ўн беш киши билан суҳбатлашаман, —дейди Гўзал ўз ишидан мамнун бўлиб, — улар ўзларини ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган фикр-ўйларини, мақсадларини айтадилар. Муваффақиятларни оммалаштириш, камчиликларни тугатиш йўллари тўғрисида маслаҳат сўрайдилар. Уларнинг илтимосини бажо келтиришга қурбим етгунча ҳаракат қиламан. Қурбим етмаган чоғда комитетга мурожаат этаман. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам комитет олдида ҳисобдор эканимни унутмайман.

Штатсиз инспектор ҳар хил кўринишдаги қоғозбозликлар, сансалорликларга қаршн қаттиқ курашади. Конкрет, оператив иш тутади. Бугунги ишни эртага қўймасликка уринади. Янгилик, прогрессив усулларни қўллаб-қувватлайди, халқ, давлатга фойда келтирадиган янгиликни ҳаётга татбиқ этишга бош-қош бўлади. Консерватив кўринишларга зарба бериш унинг диққат марказида туради. Эҳ муҳими — партия ва ҳукуматимиз қарорларини амалга оширишда байроқдор бўлишни муқаддас бурч деб билади. Комитет қабул қилган қарорларнинг ижроси учун астойдил курашади. Чунки қарор ижроси билан кучли эканини яхши билади. Г. Шарифхўжаеванинг ташаббуси билан кўтарилган актуал масалаларнинг комитет мажлисларида кенг муҳокама қилиб борилиши, у умидли контроль ходими эканидан далолат беради.

Гўзал Шарифхўжаева каби ўқимишли, ташкилотчи, қалб ҳарорати билан ишлаётган штатсиз инспекторлар сафи кенгаяверсин!

М. НАЗАРОВ.

ЖАЙХУН КАФТИМИЗДА

ЖУРНАЛИСТ ЕН ДАФТАРИДАН

Бу нуроний чол билан бундан уч йил муқаддам — Аму—Бухоро канали эндигина қазила бошланганда Форобда учрашган эдим.

Пастда тошқин дарё пишқириб, шағирлаб кўҳна Орол томон шошилмоқда. У ҳаллослайди, беллашиб енолмаётган алпдай ўзини қирғоққа уради, илондай тўлганиб, шиддат билан ғарб томонга талпинади. Саҳро шамоли ғувиллайди, дайди қумларни олиб келиб юз-кўзга уфуради. Тепанинг дарё томонидаги қирғоғида узун хассасига энгагини тираб ғамгин кўзларини дарёга тикиб оппоқ соқолли ўша нуроний чол — Рўзиниёз бобо турарди. Тўқсон баҳорни кўрган бобо ҳаёлида асрлар давомида кишилар тинчлигини бузиб келган шу тиним билмас дарё тарихи жонланарди.

Дунёда оқимини ва номини Амударёчалик ўзгарган бирорта дарё бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам араблар Амуни Жайхун, яъни қутурган, телба дарё деб атаганлар. Дарё ўз оқимини тез-тез ўзгартганидан, боши оққан томонга йўл олганидан кўплар уни ғариб деб ҳам аташган. Кейинчалик Амударё номини олган.

Амударёнинг қуйи оқимида ўтказилган археологик қазилмалар бундан бир неча минг йиллар муқаддам бу ерда кўҳна шарқнинг қадимий давлатлари бўлганлигини кўрсатди. Бу гуллаб яшнаган Хоразм воҳаси эди. Жайхун бу водийни сўлим чаманзорга буркаган. У поёни йўқ қумликлар ўртасида эртаклардагидай сўлим воҳа бўлган эди. Қадимий хоразмликлар биринчи бўлиб Қорақум ва Қизилқум саҳросига ҳужум бошладилар. Машаққатли меҳнат эвазига мураккаб суғориш шахобчалари барпо этдилар, саҳро қўйнидан одимлаб эмас, қаричлаб олинган ерларни экинзорга айлантирдилар. Ариқ каналлар олиб келган Жайхун суви водийга ҳаёт бағишлади. Хоразмликларнинг сўлим воҳаси тупроғимиздан ташқари ўлкаларга ҳам донг таратди. Хоразмда 1219 йилда кезган араб сайёҳи Ёқут бу воҳа ҳақида: «Мен Хоразмдай обод ўлкани кўрмаган эдим» деб ёзади.

Эҳтимол араб сайёҳи эҳтиросга берилиб ўлкага ошириброқ баҳо бергандир. Аммо Амударё этакларидан қазиб олинган археологик топилмалар бу воҳанинг ҳақиқатан ҳам анча тараққий этганлигидан далолат беради. Бироқ, минг таассуфки, телба дарё тўлиб-тошганда боболаримиз қазиган ариқ-каналларни бузиб юборган, экинзорларни ботқоқликларга айлантирган. Шундай қилиб, дарё ҳамда унинг ўнг ва сўл қирғоқларидаги Қорақум ва Қизилқум барханлари инсон устидан ғолиб келаверган, тақдирнинг аччиқ ҳукмига маҳкум этилган кишилар эса бошпана ва экин-тикинларидан жудо бўлиб, дарбадар, сарсон-саргардонликда даштбиёбон кезганлар. Бу манзарани XI асрда Хоразмда яшаб ижод этган буюк олим Ал Бируний аниқ ифода этган: «Унинг қирғоқларида кишилар 300 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ қурган. Булардан бизгача вайроналар сақланиб қолган».

Гўзал чаманзор, обод ўлканинг катта қисми тошқин Аму туфайли чўл-биёбонга, чеки йўқ қумлоққа айланди. Дарё оқимини ўзгартиб, шарқ томонга бурилди, ўз сувини тамоман Орол денгизига олиб бориб қуядиган бўлди. Обод шаҳарлар сувсизликдан харобазорга айланди. Неча ўн километрларга чўзилиб кетган қадимий магистрал каналлар қумликларда ғойиб бўлди. Дарахтлар қуёшга тик қарай олмай қовжиради. Экинзорлар ўрнини заранг ерлар қоплади. Инсон йиллар давомида чўл бағридан қаричлаб олган унумдор ерларни марҳаматсиз саҳро одимлаб забт этди. Ниҳоят инсоннинг гул қўли билан бунёд қилинган ўлкада ҳаёт сўнди-ю, табиат унинг устига катта бир дош қозонни тўнкариб, сукунат оламига айлантирди. Шамол ва поёнсиз қум барханлари бу ерларнинг чинакам хўжаси бўлиб қолди. Бизгача қадимий суғориш иншоотларининг излари-ю, обод шаҳар ва қишлоқларнинг харобалари етиб келди.

Саҳро инсонни енгди. Қора ўтмишнинг кўланкалари — одамкуш фотеҳлар ўзларидан фақат ёвуз ва мудҳиш хотираларнигина қолдирдилар, холос. Аммо улар дарё билан беллаша олмадилар. Адибимиз Ғафур Ғулом тили билан айтганда:

Амуни йўлига қайтара олмади
Хоқонлар савлати, шайхлар
дуоси;
Ожизу бемадор, очу ялангоч,
Халқларнинг орзуси ва
илтижоси.

Дарё тиним билмай икки қирғоғидаги шаҳар ва қишлоқларни вайрон этаверди. Сувсизликдан ҳансираб гезарган саҳрога висол кўрсатмай Орол томон оқаверди.

КПСС XXII съезди халқ хўжалигимизнинг барча тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалигини кенг ривожлантириш, коммунистик мўлкўлчиликни вужудга келтириш тадбирларини белгилаб берди. Съезд қарорларида камсув-қурғоқ ерларда деҳқончиликни ривожлантириш учун ирригация-мелиорация қурилишининг энг муҳим йўллари кўрсатиб ўтилди.

Амударё ана шундай катта кўламдаги ирригация иншоотлари тармоқларини вужудга келтириш учун манбадир. Иккинчи томондан эса унинг қирғоқларида Қорақум ва Қизилқум саҳролари ҳаёт сувига махтал бўлиб ётибди. Бунинг устига Зарафшон водийси Аму соҳилларида бўлишига қарамай, водийда неча йиллар давомида сув танқислиги деҳқонларни қаттиқ ташвишга солмоқда эди. Иттифоқ ҳукумати масаланинг ғоят муҳим томонларини эътиборга олиб, бундан уч йил муқаддам Аму — Бухоро машина каналини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарийб 200 километрга чўзилиб кетган бу канал ғоят қисқа муддатларда қазиб битказилди. Бугун кўҳна Бухоро яна бир катта тантана арафасида турибди. Аму — Бухоро машина канали олиб келган Амударё суви сувсизликдан чанқоқ Бухоро ерларига ҳаёт бағишлайди.

Бу улкан канал халқларимиз ўртасидаги ленинча буюк дўстлик қудрати ва жозибаси билан бунёдга келтирилди. Бу буюк канал фақат Советлар давридагина олимларимиз ақл-заковати бунёдга келтирган қудратли техника туфайли барпо этилди. Ахир Амударё сувини 50-150 метр юқорига кўтариш муаммоси қанчалик машаққатли эканлигини кўз олдингизга келтиринг-а.

Ҳа, мураккаб. Аммо бу мураккаб иш дўстлигимиз туфайли осон бўлди. Урал ва Москва, Ленинград ва Челябинск, Украина ва Кубишевдан келтирилган қудратли агрегатлар канал сувини тўрт қаватли уйдай тепаликка чиқариш учун имкон берди. Мамлакатнинг турли ерларидан келган қурувчилар эса ўз билим ва ғайратларини ана шу катта умумхалқ ишига сарфладилар.

Аму — Бухоро канали Амударё этакларидан суви олади. Ҳамза насос станциясида ўрнатилган қудратли агрегатлар Амударё сувини елкасида кўтариб Қуйимозор томон йўналтиради. Шуни айтиш кифояки, биргина Ҳамза насос станцияси йилига 400 миллион киловатт-соат электр энергияси сарфлайди. Ана шундан сўнг Амударё суви 160 километр йўл босиб канал ўзанидан Қуйимозор насос станциясига келиб тушади. Қуйимозор насос станциясидан кўтарилган сув Шохрут — Ҳайробод ирригация системаси орқали Зарафшон дарёси билан қўшилади. Шундай қилиб, икки дарё Аму ва Зарафшон қўл олишиб, янги ҳаёт бағишлаш учун Зарафшон водийси бўйлаб йўл олади.

Сувга ташна Бухоро ва Самарқанд областларининг ерлари Амударёнинг ҳаётбахш суви билан гулгун яшнайди. Бу умумхалқ меҳнатининг ажойиб самараси бўлади. Бугун канал сувлари мавжига завқ билан тикилаётган турли миллат фарзандларини кўрар эканмиз, ҳар биримизнинг қалбимиз фахр ва ғурур билан тўлиб-тошади. Чунки улар чўлга ҳаёт олиб келдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бульдозерчи Қурбон Жумаев ва илғор экскаваторчи Василий Журавлев, Евгений Тисленко ва Ғойиб Турсунов, Равил Ляпин ва Вениамин Санкин, Жўравой Раҳмонов ва Ҳожимурод Аккалаев яна ўнлаб, юзлаб, мингминглаб эл раҳматига сазовор бўлган қишларнинг номларини келтириш мумкин. Булар бизнинг ғуруримиз, замонамизнинг чинакам қаҳрамонларидир. Ана шу қалби оташ кишилар канал трассасида фидокорона меҳнат қилиб, 70 миллион кубометр ер ишларини бажардилар. 110 минг кубометр бетон ва темир-бетон монтаж қилдилар. Ҳар куни ўнлаб кубометр ерни ўз агрегатлари хартуми билан қазиб бордилар. Қизилқумнинг аёв билмас шафқатсиз табиати ҳам, жазирама офтобнинг баданни куйдирувчи олов нафаси ҳам, қум тўфонлари ҳам уларнинг иродасини бука олмади.

Бугун Бухоро воҳасида Амударё суви мавж урмоқда. Бу янги пахтазорлар, поёни йўқ экинзорлар демакдир. Амударё суви туфайли Бухоро воҳасидаги юз минг гектар суғориладиган ернинг ҳолати яхшиланади. Тахминан худди шу миқдордаги Самарқанд областида бир гектар ернинг шўрини ювиш учун 3000 кубометрдан 4000 кубометргача сув сарфлаш зарур. Доғлари кўп бўлган ўташўр, шунингдек оғир тупроқли ерларда шўр ювиш сонини ҳам, сарфланадиган сувнинг миқдорини ҳам оширади, камроқ шўрланган ва тупроқнинг механик состави енгил бўлган ерларда эса камайтириш зарур.

Шўр ювилгандан кейин тупроқ таркибидаги зарарли тузлар қай даражада йўқолганлигини албатта текшириб кўриш, бунинг учун тупроқни химиявий анализдан ўтказиш, бунда имкони бўлса агрохимия лабораторияларидан фойдаланиш керак.

Шуни унутмаслик керакки, ер майдонининг пастроқ қисмидаги шўрни олдин ювиш керак. Чунки шўр ювиш учун кўп миқдорда сув сарфланади ва агар шўр ювишни баландроқдаги участкалардан бошланса, у ҳолда паст жойлардаги ер ости сувлари юқорига кўтарилиб, шўр ювиш мумкин бўлмай қолади.

Шўри ювилган участкаларни мутахассислар группалари қабул қилиб олишлари, бунда шўр ювишнинг сифати қай даражада бўлганлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шўр босган ва шўрланган ерларда деҳқончилик маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга.

Лекин республикамизда шўр ювиш жуда секин бораётган. Бу соҳадаги қолоқликка тезда барҳам бериш, ҳозирги қулай кунлардан фойдаланиб, ҳамма хўжаликларда шўр ювишни кенг йўлга қўйиш — партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

В. М. ЛЕГОСТАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

К. А. ДАВИИ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист М. Годзиашвили.

Грузия ҳазил ўйинларининг ижрочиси Натела Тваури.

А. Тўраев фотолари.

Хатларингизга жавоб олинг!

ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

«Вобкент район Матлубот жамиятига қарашли магазин мудири Тоҳир Камолов хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, хаддидан ошяпти. Камёб саноат ва озиқ-овқат молларини оширилган баҳода пуллаяпти. Давлат мулкини талон-торож қиляпти. Унинг ножўя ҳатти-ҳаракатлари ҳақида кўп сигналлар берилишига қарамай матлубот жамияти правлениеси Камоловга нисбатан тегишли чора кўрмаяпти. Аҳвол шундай давом этаверса, Камолов нафс қурбони бўлиши мумкин. Масалага редакциянинг аралашувини, магазин мудири тартибга чақирилиб қўйилишини илтимос қиламиз».

Бир группа харидорларнинг олинган хатда ана шундай дейилган эди.

Редакция хатни Бухоро область прокуратурасига юборди. Олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда харидорларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Т. Камолов магазин мудирлиги вазифасидан бўшатилди. Магазинда тафтиш ўтказилмоқда.

Айдар Аметов ва Валентина Нургазинова ўртоқлар смена топшириқларини мунтазам равишда 110-115 процент бажаришга муваффақ бўлишмоқда. Суратда: Намангандаги «Пятилетка» фабрикасининг шу илғор ишчиларини кўриб турибсиз.

Е. Корниенко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).



МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ШЎРНИ ТОЗА ЮВИНГ

Ҳосилдорликни ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим резервларидан биридир. Ўзбекистонда суғориладиган барча экин майдонларининг 55 процентга яқини кўпроқ ёки озроқ шўрланган. Ана шу майдонларда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун тупроқнинг устки қатламидаги шўрни йўқотиш керак. Шўр ювилгандан кейин тупроқ таркибидаги хлор-ион миқдори 0,01 процентдан, сувда эрийдиган тузлар миқдори эса 0,3—0,4 процентдан ошмаслиги лозим. Марказий Фарғонада тупроқнинг хусусиятига қараб сувда эрийдиган тузларнинг миқдори 0,6-0,8 процентгача бўлиши мумкин. Ер ости сувларининг бир метридаги тузнинг миқдори экин экиб келинаётган майдонларда 4-6, янгидан ўзлаштирилган ерларда эса 10 граммдан ошмаслиги керак. Агар ернинг шўри яхши ювилмаса тузга чидамли бўлган ғўзанинг ҳам ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади.

Ўзбекистоннинг мелиорация ҳолати яхши бўлмаган зоналарида СоюзНИХИ томонидан ўтказилган кўп тажрибалар шундан далолат берадики, ернинг шўри сифатли ювилса барча экинларнинг ҳосилдорлиги кескин ошади. Масалан, пахтанинг ҳосилдорлиги шўри мутлақо ювилмаган ерда гектар бошига 5,5 центнер, чала ювилган ерда — 14,5 центнер ва яхши ювилган ерда 31,4 центнерга тўғри келган.

Ерни туздан тозалаш учун мелиоратив тадбирлар комплексини амалга ошириш зарур. Бу соҳада шўр ювиш олдидан ерни яхши текислаш муҳим роль ўйнайди. Шўри ювиладиган майдондаги коллектор-зовур тармоқлари сизот сувларни тўхтовсиз оқизиб чиқариб юбориш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ерни яхши текисламасдан туриб шўрни сифатли ювиб бўлмайди.

СоюзНИХИда бўлган маълумотлар шуни кўрсатадики, агар ўнқир-чўнқир жойлар экин майдонининг 16 процентини ташкил этса, ана шу майдонда ҳосилдорлик анча паст бўлади.

Пахта майдонларидаги шўр доғларни йўқотиш ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилни ошириш ҳамда унинг таннархини камайтиришнинг катта резерви ҳисобланади. Марказий Фарғона ерларида ва Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхозида тажриба ўтказилганида, ерни яхшилаб текислаш натижасида шўр ювиш ва ғўзани ёзда суғориш вақтида 20-30 процент сув тежалди. Шу сабабли шўр ювиш олдидан ерни текислашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ерни текислаган вақтда дўнгликлар сурилиши натижасида тупроқнинг остки қучсиз қатлами юзага чиқса, чуқурликларга шўр тупроқ тўпланиб қолади. Шу сабабли ана шу майдонларни шўр ювиш пайтида кўллатиброқ суғориш керак. Бундан ташқари, уига бошқа ерларга қараганда кўпроқ минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш лозим.

Шўр ювиш мақсадида текисланадиган карталарнинг катталиги 8-10 гектардан ошмаслиги лозим. Чунки катта картани яхши текислаб бўлмайди, шўр ювиш қийинлашади, ерни экишга тайёрлаш қийин бўлади. Чунки шўр ювиш мақсадида сувга бостирилгандан кейин бир ернинг тупроғи тезроқ, иккинчи ернинг тупроғи эса кечроқ етилиб, қўлни ушлайди. Кеч экилган экин эса кам ҳосил беради.

Ер уч хил усулда текисланади. Жумладан, янги ерларни ўзлаштириш вақтида аввал уни капитал планировка қилиш ва шўри ювилгандан кейин эса қайта текислаш лозим. Бунинг боиси шундаки, капитал планировка қилинган ер сувга бостирилганда тупроқ чўкади ва оқибатда экин майдони нотекис бўлиб қолади. Ана шу нотекисликни тугатиш учун ерни қайта текислаш зарурати туғилади. Бу ишлар қурилиш ташкилотлари томонидан лойиҳа асосида амалга оширилади.

Текисланган ер майдонини аввал 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб ва бороналаб сўнг шўрини ювишга киришиш лозим. Бу тадбир шўрни бир текис ювиш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини беради. Айниқса Мирзачўл ерларида ва Бухоро областида ҳайдалган ернинг шўрини ювиш яхши натижа беради. Шўр ана шу тартибда ювилганда ҳосилдорлик 2-4 центнер ошади.

Шўр ювиш олдидан карталар полларга ажратилади. Полларнинг катталиги 0,1-0,25 гектардан ошмаслиги керак. Лекин айрим жойларда бунга эътибор берилмаётир, поллар ниҳоятда катта олинмоқда. Масалан, Бухоро, Сирдарё областлари ва айниқса Гулистон районларида 0.5 гектар ва ундан ҳам катта поллар олиб шўр ювишга йўл қўйилмоқда.

Қия ерларда полларни қияликнинг кўндалангига қараб тўғри тўртбурчакли қилиб олиш керак. Ана шу полларга қўйилган сувнинг қалинлиги қуйи томонда юқори томондагига нисбатан 5-7 сантиметрдан зиёд бўлмаслиги зарур. Поллар марзасининг ўртача баландлиги шиббалангандан кейин 50-60 сантиметр бўлиши лозим. Бу, полда 30-35 сантиметр қалинликдаги сувни ушлаб туриш имконини беради. Қумлоқ, ўта шўр ерларда поллар атрофидаги марзаларнинг баландлиги 70-80 сантиметр бўлиши керак. Чунки бундай ерларда шўр ювиш учун кўпроқ сув қўйиш талаб этилади.

Шўр ювиш учун сув сарфлаш нормаси ернинг қай даражада шўрланганлигига, тупроқнинг физик хусусиятига, ер ости сувларининг юза ёки чуқур жойлашганлигига, коллектор-зовур тармоқларининг ҳажмига, ердан фойдаланиш коэффициентига боғлиқдир. Лекин булардан қатъи назар, шўр ювиш учун полларга сувни икки-уч томондан катта оқим билан қўйиш, секундига камида 40-60 литр сув келиб туришига эришиш керак. Шундай қилинганда полнинг юззасини сув тез босади ва шўр бир текис ювилади.

Шўр ювганда полларга қўйилган сув коллектор ва зовурларга оқиб кетиши ёки бир полдан иккинчи полга ўтишига йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас. Бундай шўр ювиш фойда ўрнига зарар келтиради. Шу сабабли шўр ювган вақтда поллар атрофидаги марзаларни кўндан кечириб туриш ва уларнинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Турли хил шароитда шўр ювиш учун сув қўйиш нормасига қатъий риоя қилиш зарур. Илгаридан экин экиб келинаётган ерларнинг шўрини бир мартадан уч мартагача ювиш учун гектарига 2000 кубометрдан тортиб то 5000 кубометргача сув сарфлаш талаб этилади. Юқори ҳосилли ва ҳамма ер майдони ювиладиган Хоразм областида бир гектар ернинг шўрини ювиш учун 3000 кубометрдан 4000 кубометргача сув сарфлаш зарур. Доғлари кўп бўлган ўташўр, шунингдек оғир тупроқли ерларда шўр ювиш сонини ҳам, сарфланадиган сувнинг миқдорини ҳам ошириш, камроқ шўрланган ва тупроқнинг механик состави енгил бўлган ерларда эса камайтириш зарур.

Шўр ювилгандан кейин тупроқ таркибидаги зарарли тузлар қай даражада йўқолганлигини албатта текшириб кўриш, бунинг учун тупроқни химиявий анализдан ўтказиш, бунда имкони бўлса агрохимия лабораторияларидан фойдаланиш керак.

Шуни унутмаслик керакки, ер майдонининг пастроқ қисмидаги шўрни олдин ювиш керак. Чунки шўр ювиш учун кўп миқдорда сув сарфланади ва агар шўр ювишни баландроқдаги участкалардан бошланса, у ҳолда паст жойлардаги ер ости сувлари юқорига кўтарилиб, шўр ювиш мумкин бўлмай қолади.

Шўри ювилган участкаларни мутахассислар группалари қабул қилиб олишлари, бунда шўр ювишнинг сифати қай даражада бўлганлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шўр босган ва шўрланган ерларда деҳқончилик маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга.

Лекин республикамизда шўр ювиш жуда секин бораётган. Бу соҳадаги қолоқликка тезда барҳам бериш, ҳозирги қулай кунлардан фойдаланиб, ҳамма хўжаликларда шўр ювишни кенг йўлга қўйиш — партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

В. М. ЛЕГОСТАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

К. А. ДАВИИ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

СПОРТ ФИЛЬМЛАРИ

«ТОКИО УЧРАШУВЛАРИ»

Москва ҳужжатли фильмлар марказий студиясининг кинематографчилари олимпиадага бағишланган «Токио учрашувлари» фильмини яратиб, спорт ишқибозларига яхши совға тайёрлашди.

Фильм кадрлари жаҳоннинг 94 мамлакатидан йиғилган йигит ва қизларнинг эпчиллик, чаққонлик, моҳирлик ва дўстлик байрамига айланган бу катта анжуманнинг энг ҳаяжонли дақиқалари ҳақида ҳикоя қилади. 14 кун давом этган спорт курашида Совет Иттифоқидан келган йигит ва қизлар ғолиб чиқиб 30 олтин, 31 кумуш, 35 бронза медалини қўлга киритганликлари экранда бирин-кетин ўтиб боради.

Жаҳонда энг кучли одам ким? Москвалик инженер Юрий Власовми, ёки запорожьелик студент Леонид Жаботинскийми? Фильмда ана шу саволга кенгроқ ўрин берилган.

«Токио учрашувлари»да тошкентлик Светлана Бабанина, севастополлик Галина Прозуменщикова, опа-сингил Пресс, П. Астахова, Л. Латинина, В. Брумел ва Б. Шахлининг спорт маҳоратини акс эттирувчи кадрлар ҳам бор.

«ДАРВОЗАБОН ЛЕВ ЯШИН»

Москвалик кино ҳужжатчилар яратган иккинчи спорт фильми ана шундай деб аталади.

Мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам футбол дарвозабони ҳақида гап борса, албатта Лев Яшин тилга олинади.

Бу моҳир дарвозабон «Динамо» (Москва) командаси дарвозасини қўриқлаётганига 15 йил. Иттифоқимиз терма командасига «посбонлик» қилаётганига ўн бир йил тўлди. Бу йиллар ичида қанчадан қанча ҳавфли тўпларни ушлаб қолинди, қанчадан-қанча ишқибозларнинг қалби тўлқинланиб кетди. Жанубий Америкадан тортиб Европагача, Европадан тортиб Осиёгача бўлган мамлакатларга бориб ўзининг спорт маҳоратини намойиш қилган Яшининг талантига неча миллионлаб ишқибозлар тан беришди.

Фильмда Лев Яшининг фаолиятини ҳаяжонли тасвирлаган жуда кўп кадрлар бор. Фильмнинг қизиқарли, жозибадор яратилишида ижодкорлар (сценарий автори Л. Бравлавский, режиссёр В. Коновалов, операторлар Г. Епифанов, В. Кисельев, Ю. Гуслаев)нинг ҳиссаси катта.

А. ПУЛАТОВ.

МИНГ БЎРИГА ЧАНГ СОЛИБ...

Бўрининг пайдо бўлгани чорванинг тинчлигини бузиб қолмасдан, чўпонларни ҳам ошириб юборади. Ҳар куни бўлмаса ҳам кунора бир фалокат юз бера бошлади. Шундан кейин чорвадорлар тажрибали кекса овчи Заркора ота Тўраевга мурожаат қилишди.

Заркора ота бўри тез-тез оралаётган ерга келиб қопқон қўйди, икки йиртқичи тириклайин қўлга туширди.

Яккабоғ районининг Ўғин участкасида яшайдиган овчи Заркора отанинг сўнгги икки ўлжаси билан қўлга тушган бўриларнинг сони 1000 тага етди.

Э. ТОЖИЕВ.

«ТБИЛИСИ ЧИРОҚЛАРИ» ТОШКЕНТДА ЁНДИ

Грузиянинг «Тбилиси чироқлари» номли эстрада группаси Тошкентга келди. Улар рангбаранг программада гастроль концертларини намойиш қилмоқдалар.

Талантли санъаткорларнинг дилрабо куй, қўшиқ ва жозибадор рақслари Тошкент томошабинларининг дилларини хушнуд этмоқда.

Группа составида грузин эстрадасининг усталари, Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист М. Годзиашвили раҳбарлигидаги «Лели» номли группа санъаткорлри ҳам бор.

ФАБРИКАГА ЙЎЛЛАНМА

Фабрикага йўлланма худди шу ердан — энг яхши молларни пропаганда қилиш Бутуниттифоқ павйльонининг Ўзбекистон филиалидан олинади. Бу филиал Тошкентдаги «Болалар дунёси» универмагида жойлашган. Виставкага қўйилган турли-туман кийим-кечаклар, оёқ кийимлари, уй-рўзғор буюмлари ҳамда ўйинчоқлар бежирим ва нафислиги билан барчанинг диққатини ўзига тортмоқда. Ҳозирги кунда ана шу буюмларнинг сони 7000 донага етди. Виставкага қўйилган буюмлар корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг хилини кўпайтиришда, сифатини яхшилашда, нархини арзонлаштиришда катта роль ўйнамоқда.

1965 йилдан бошлаб Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг кўли гул чеварлари тикаётган пальтолар, биринчи пойафзал фабрикаси чиқараётган аёллар пойафзали ана шу виставкага қўйилган буюмларнинг нусхасидан олинди. Ана шу пальто ва пойафзаллар ўзининг сифати ва бежиримлиги жиҳатидан чет элларда тайёрланган буюмлардан асло қолишмайди.

Виставка қошидаги экспертлар саноат корхоналарига йўл олаётган буюмларни тасдиқдан ўтказишгач, у конвейерга тушади, сўнгра магазинга чиқади. Экспертлар советида саноат корхоналарининг энг яхши мутахассислари бор.

Виставкадаги яна бир қанча пишик-пухта, чиройли моллар саноат корхоналарига йўл олиш олдида турибди.

Р. АКРОМОВ.

Пойтахт транспортининг истиқболи

Бундан эллик йил муқаддам ҳозирги Тошкент шаҳрида иккита от тортиб юрадиган конки бўлган.

Орадан сал вақт ўтгач, шаҳарда икки трамвай маршрути ишга туширилди: бири шаҳар воксалидан Октябрь районининг ораликда, иккинчиси ҳозирги Ленин кўчасидан ўтиб Каблукова кўчасигача қатнаган. Бу йўлда ҳаммаси бўлиб 30 вагон, 230 от, 170 киши хизмат қилган.

Ҳозирчи? Шу кунларда шаҳардаги 77 маршрутда 620 автобус, 148 трамвай состави, 145 троллейбус қатнамоқда.

Шаҳардаги барча маршрутларнинг умумий масофаси 750 километрдан ошиб кетади.

Бир кунда транспортнинг барча турлари бўйича 18.752 рейс юрилиб, 1 миллион 260 минг йўловчи ташилмоқда.

Шаҳар кўчаларига ҳар куни 841 та енгил такси машинаси чиқмоқда.

Тошкент йўловчиларни ташиш бўйича Иттифоқда Москва ва Ленинграддан кейин учинчи ўринда туради.

Шаҳар пассажир транспортида 11 минг шофер ишламоқда.

Янги йилда шаҳар парклари яна 170 автобус, 450 енгил такси, 30 та маршрутли такси машиналари, 50 трамвай ва 30 троллейбус вагони олади.

Карл Маркс кўчаси билан Високовольтная уй-жой массивини бир-бири билан боғлайдиган янги трамвай маршрути ишга туширилади.

Октябрь революциясининг 50 йиллигигача барча тор йўллик трамвай излари кенг йўллик изларга алмаштирилади.

Яқин йиллар ичида Тошкент кўчаларида янги моделдаги таксилар ҳамда янги автобуслар юра бошлайди. Тўрт ўқли трамвай вагонлар сони кўпаяди.

УЧ ҚИТЪА ОВОЗИ

УЧ ҚИТЪА ХАЛҚЛАРИ ФОРУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ГАВАНА, 16 январь. ТАСС махсус мухбирлари М. Артюшенков ва Р. Князев хабар берадилар.

Уч қитъа халқлари бирдамлиги ва бирлигининг улкан форуми тугади. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 82 мамлакатдан вакил бўлиб келган 512 делегат ҳозирги замонниг энг муҳим проблемаларини шу ерда «Гавана либре» меҳмонхонасида халқаро демократик ташкилотлар, Европадаги социалистик мамлакатлар юборган 64 кузатувчи, шунингдек жуда кўп меҳмонлар иштирокида 3 январдан 15 январгача — 13 кун муҳокама қилишди.

Бу катта ва муҳим ишнинг натижалари охирги ялпи мажлисда якунланди.

Конференция делегатлари Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари бирдамлиги ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни якдиллик билан қабул қилдилар ва унинг ижроча секретариатини туздилар. Бу ижроча секретариат ўз ишларини вақтича Гаванада олиб боради. Ижроча секретариатга ҳар бир қитъадан тўрттадан вакил киритилди. Куба вакили секретариатнинг бош секретари бўлиб қолади.

Ижроча секретариат Гавана конференциясининг қарорларини амалга ошириш ҳамда Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари бирдамлигининг 1968 йилда Бирлашган Араб Республикаси пойтахти — Қоҳира шаҳрида ўтказилмоқчи бўлган иккинчи конференциясини тайёрлаш ишлари билан шуғулланади.

Бундан ташқари миллий озодлик ҳаракатига ва янги мустамлакачиликни тугатиш учун олиб борилаётган курашга ёрдам кўрсатиш комитети тузилди. Бу комитет ҳар бир қитъадан олинган тўрт вакилдан, жами 12 та аъзодан иборат бўлади. Комитетга Совет Иттифоқининг ҳам вакили аъзо қилиб олинди. Конференция кун тартибидаги ҳамма масалага доир бир неча ўн резолюция қабул қилди. Шу резолюцияларнинг энг каттаси бўлган Бош Декларацияда ҳозирги халқаро вазият анализ қилиб берилди, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш йўллари кўрсатиб ўтилди, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш кераклиги таъкидланди.

Декларацияда айтиладики, уч қитъадаги 82 мамлакатнинг вакиллари тарихда биринчи марта тўпланишиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, революцион, антиимпериалистик бирдамлик алоқаларини мустаҳкамладилар ҳамда империалистик, эски ва янги мустамлакачилик эксплуатация системасига қарши ялпи кураш олиб боришга қаратилган асосий қарорларни қабул қилдилар.

«Америка империализми, — деб таъкидланади ҳужжатда, — мана шу эксплуатация системасининг асосий таянчи бўлиб турибди».

Сўнгра Декларацияда айтиладики, конференция «Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг жанговар, актив ва курашчан бирдамлигини билдиришга, миллий озодлик ҳаракатининг империализмга қарши характерини кучайтиришга, бу ҳаракатни тагин ҳам кўпроқ куч билан ривожлантиришга, прогрессив инсонийтни шу кураш теварагида жипслаштиришга чақиради».

Бош Декларация қуйидаги сўзлар билан тамомланади: «Бизнинг улуғ инсониятимиз: Бас энди, деб хитой қилди ва олга юриш бошлади, халқлар тўла мустақилликка эришмагунча бу буюк юриш тўхтамайди».

Конференция умумий сиёсий резолюция ҳам қабул қилди. Бу резолюцияда айтиладики, уч қитъа халқлари бирдамлигининг биринчи конференцияси империалистлар халқларнинг озодлик курашини тўхтатиб қололмайдиган бир пайтда тўпланди. Октябрь революцияси, Хитой революциясининг ғалабаси, жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги, Осиё, Африка ва Латин Америкасида мустамлака ҳукмронлигига қарши курашда халқларнинг қўлга киритган жуда катта ғалабалари, Куба революциясининг тантанаси, дейилади резолюцияда, халқларнинг озодлик кураши учун янги шароит ва қулай вазият яратиб берган воқеалар бўлди.

Резолюцияда айтиладики, империалистлар ўзларининг агрессив ҳаракатларини кучайтириб юборди ва ўзларини омон сақлаб қолишга зўр бериб уриниб, халқларга қарши уруш бошламоқда. Империализм системаси талончиликка, ўзи босиб олган мамлакатларнинг бойликларини тўхтовсиз эксплуатация қилишга асосланиб келди ва асосланмоқда.

Конференция делегатларининг нутқлари шу парсани очиқ кўрсатдики, дейилади резолюцияда, империалистларнинг агрессив сиёсатига Америка империализми бошчилик қилмоқда. Халқаро воқеаларнинг кейинги йиллардаги ривожланиши Америка империализми реакцион кучларининг, асосий таянчи, халқаро жандарм эканлигини ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг, жаҳондаги ҳамма халқларнинг энг биринчи душмани эканлигини кўрсатиб турибди. Тўла озодликка эришмоқ учун империализмга қарши революцион кураши ривожлантириш керак, бунинг учун, дейилади резолюцияда, ҳозирги вақтда уч қитъада объектив шарт-шароит мавжуд.

Конференция тантанали равишда эълон қилиб айтдики, миллий озодлик учун курашаётган ёки империалистик агрессия азобини тортаётган ҳар қандай халққа барча прогрессив мамлакатлар ва бутун революцион ҳаракат катта ва ҳеч шубҳасиз ёрдам беради.

Социалистик мамлакатлар билан, ишчилар синфи билан, Европа ва Шимолий Америка халқларининг революцион ва прогрессив ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш зарурлиги ҳам резолюцияда уқтириб ўтилди.

Реакцион кучларнинг жинояткорона иттифоқига жавобан, дейилади шу ҳужжатнинг охирида, уч қитъа халқлари актив, курашчан ва жанговар бирдамликни кучайтирадилар, империализмнинг ҳар қандай агрессиясига революцион ҳаракатлар билан жавоб беришга ҳамиша тайёр бўлиб турадилар, бу курашни империализм ва янги мустамлакачилик фойдаланаётган ҳар қандай формадаги зулмни тугатишга қарата берадилар.

Конференция иқтисодий проблемаларга доир резолюцияни маъқуллади. Шу резолюцияда иқтисодий мустақилликка эришиш зарурлиги уқтириб ўтилди, одам-одамни эксплуатация қилишини тугатиш принциплари қувватланди, империалистик давлатларнинг бошқа мамлакатларда ўтказиб келаётган талончилик сиёсати қораланди.

Империализмни ва янги мустамлакачиликни тугатиш учун, иқтисодий озодликка эришиш учун Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг биргаликда кураш олиб бориши мутлақо зарур эканлиги уқтириб ўтилди.

Резолюцияда айтиладики, асосий миллий ресурслар устидан, валюта операциялари ва ташқи савдо устидан давлат контроли, банкларни ва миллий экономика учун ҳаётий муҳим бўлган корхоналарни национализация қилиш империализмга қарши курашнинг энг муҳим қуролидир. Бу тадбирлар мустақил миллий экономикани вужудга келтириш мақсадида иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Резолюцияда айтиладики, конференция қатнашчиларининг ҳаммаси ўз озодлиги учун куролли кураш олиб бораётган мамлакатларга иқтисодий, молиявий ёрдам кўрсатишни ва бошқа хил ёрдамлар кўрсатишни, шу жумладан қурол билан ёрдам беришни кучайтиришлари ва кўпайтиришлари лозим.

Тинч-тотув яшашга бағишланиб, махсус қабул қилинган резолюцияда айтиладики, тинч-тотув яшаш турли социал ва сиёсий системалардаги давлатлар ўртасида бўлган муносабатларгагина тааллуқлидир. Тинч-тотув яшаш мамлакатлар ичидаги социал синфлар, эксплуатация қилинувчилар билан эксплуататорлар ўртасидаги, шунингдек мазлум халқлар билан уларни эзиб ётган давлатлар ўртасидаги муносабатларга жорий қилиниши мумкин эмас.

Резолюцияда уқтириб айтиладики, тинч-тотув яшаш халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши принципларига, катта ва кичик ҳамма давлатларнинг суверенитетига қатиқ риоя қилишни тақозо қилади. Тинч-тотув яшаш принципи бузилган тақдирда бу нарса прогрессив ва демократик мамлакатларни агрессияни даф қилиш ва агрессия қурбонларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга ҳақли қилиб қўяди.

Чет мамлакатларнинг территорияларидаги ҳарбий базалар тўғрисидаги резолюцияда чет мамлакатларнинг территорияларида шундай базаларнинг мавжудлиги ва бошқа давлатларнинг қўшинлари сақланаётганлиги қораланади ҳамда барча қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетиш ва ҳарбий базаларни тугатиш талаб қилинади.

Резолюцияда Куба революцион ҳукуматининг Американинг Гуантанамодаги ҳарбий денгиз базаси тугатилсин, деган ҳақли талаби қувватланади.

Конференция социал ва маданий масалаларга доир резолюцияни маъқуллади.

Уч қитъа вакиллари АҚШ вакиллар палатасининг Латин Америкасидаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш «ҳуқуқ»ини Америка ҳукуматига бериб қўйган шармандали қарорини қораладилар.

Вьетнамга доир махсус резолюцияда конференция қатнашчилари ўз ватанини ҳимоя қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқининг курашини ўз мамлакатларининг халқлари номидан қўллаб-қувватладилар. Резолюцияда Америкининг Жанубий Вьетнамга қарши агрессияси дарҳол тўхтатилсин ва унинг территориясидан АҚШнинг барча қўшинлари олиб чиқиб кетилсин, Американинг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий базалари тугатилсин, деб талаб қилинди.

Резолюцияда, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишлар ва шу мамлакатга нисбатан бошқа агрессив ҳаракатлар ҳеч бир шартсиз дарҳол тўхтатилсин, деган талаб ҳам қўйилди.

Норозилик намойишлари ва митинглари ўтказиш, Жанубий Вьетнамга ҳарбий юкларни ва Америка қўшинларини элтиб қўлётган кемаларни бойкот қилиш, ҳар хил ёрдамлар бериш йўли билан Вьетнам халқи билан актив бирдамликни кучайтириш кераклиги резолюцияда уқтириб ўтилди.

Уч қитъа халқларининг Вьетнам халқи билан бирдамлик комитетини тузишга қарор қилинди.

Конференция ҳозирги замоннинг энг қизғин масалаларига бағишланган ўнтадан кўпроқ резолюция қабул қилди. Шу резолюцияларда халқларнинг куролли кураш олиб боришга ҳақли эканлиги ҳамда уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи эътироф қилинди. Доминикана Республикасига, Перуга, Венесуэлага, Колумбияга, Гватемалага, Португалиянинг Африкадаги мустамлакаларига, Зимбабвега, Кубага, Кореяга, Лаосга, Камбоджага ва бошқа бир қанча мамлакатларга доир шундай резолюциялар қабул қилинди. Доминикана Республикаси тўғрисидаги резолюцияда, жумладан шундай дейилади: Доминикана Республикаси ҳарбий оккупация қилиниб турганлиги ўз тақдирини ўзи белгилаш ва аралашмаслик принципларини бузишнинг ўзиндир.

Конференция, дейилади резолюцияда, Доминикана халқининг суверенитетини бузган АҚШ ҳукуматини, шунингдек Доминикана Республикасига қарши агрессияда қатнашаётган Бразилия, Парагвай, Никарагуа, Гондурас ва Коста-Рика ҳукуматларини қоралайди. Резолюцияда АҚШнинг Латин Америкасида янги мустамлакачилик ҳукмронлигини ўтказувчи куролга айланиб қолган Америка давлатлари ташкилоти қораланди.

Кубага бағишланган резолюцияда Куба революцияси тўла равишда қўллаб-қувватланди ҳамда Латин Америкаси ва бутун дунё халқларининг миллий озодлик ҳаракати учун бу революциянинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Резолюцияда АҚШнинг Куба халқига қарши қилаётган агрессив ҳаракатлари кескин равишда қораланди ва Куба Бош министри Фидель Кастронинг машҳур беш моддаси қувватланди. Резолюция Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларини Америкада биринчи социалистик революция қилган ҳқрамон Куба халқи билан бирдамликни тагин ҳам кўпроқ кучайтиришга даъват этади.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг вакиллари Европа ва Шимолий Америка мамлакатларининг ишчилар синфига ва халқ ҳаракатларига табрик мактублари билан мурожаат қилдилар.

Жаҳон бўйлаб — ОБЗОР

ЖАҲОН ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

Жаҳон аҳли планетамизда қун сайин рўй бериб турган шиддатли ва фожиали воқеаларга аллақачонлар нўниқиб қолган бўлсада, лекин Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастрининг тўсатдан вафот этгани тўғрисидаги мусибатли хабарни эшитиб, ларзага келди. Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби ўз имзосини сўнгги марта Тошкент Декларациясига чекди. Ҳозир шу ҳужжат ҳақида кўп мақолалар ёзилмоқда ва гаплар айтилмоқда. 600 миллион кишидан иборат бўлган ҳиндистонликлар билан покистонликларгина эмас, балки барча қитъаларнинг халқлари ҳам ўзларининг энг эзгу умидларини шу ҳужжатга боғламоқдалар.

ТОШКЕНТ РУҲИ

4 январь куни Тошкентда Покистон Президенти Аюбхон билан Ҳиндистон Бош министри Шастри ўртасида музокаралар бошланганида, дипломатлар билан газеталар бу учрашувнинг натижалари хусусида жуда хилма-хил фикрларни баён қилишди. Ҳиндистон билан Покистоннинг дўстлари аслида бир-бири билан уруш қилиб турган икки давлат раҳбарлари учрашаётганлигининг ўзини умидбахш иш, деб билишди.

Пинҳона ва ошкора нодўстлар ғоят умидсизлик руҳидаги гапларни айтиб, ҳатто учрашув батамом муваффақиятсизликка учрайди, деб олдиндан фотиҳа ўқиб қўйишди.

Учрашув қатнашчилари олдида ҳақиқатан ҳам жуда оғир вазифа турар эди. Бинобарин, мустамлакачилар томонидан мерос қилиб қолдирилган, бунинг устига империалистлар доиралар, ички ва ташқи реакция томонидан авжига чиқариб келинаётган ўн саккиз йиллик территория жанжалини учрашув қатнашчилари бир неча кун ичида бартараф этишга муваффақ бўладилар, деб ўйлаш бемаънилик бўлур эди. Шу муносабат билан обзорчилар томонларни яраштириш учун бундан илгари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам, айрим давлатлар ҳам урниб кўрганлигини, лекин бу уринишлар муваффақиятсизликка учраганлигини маъноли равишда эслатиб ўтдилар.

Шу сабабдан музокараларнинг, ҳатто оптимистлар кутганидан ҳам анча зўр муваффақият билан тамом бўлганлиги ҳамма мамлакатларда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳиндистон билан Покистон ўз ихтилофларимизни ҳал қилиш воситаси сифатида уруш қилишдан воз кечамиз, деб тантанали мажбурият олдилар, ўз ўрталарида нормал тинч муносабатларни тиклаш, душманлик пропагандасини тугатиш ҳамда бир-бирлари билан дўстона, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш истагини билдирдилар.

Бундай ҳужжатнинг имзоланиши ақл-идроки, давлат арбобига хос донишмандлик ва ҳақиқатни кўра билишнинг шаксиз ғалабаси бўлди. Осиёнинг энг муҳим районида уруш алангаси сўндирилганини ва можарони бир ёқли қилиш жанг майдонидан дипломатик музокаралар майдонига кўчирилганини жаҳон халқлари қониқиш билан қайд қилдилар.

Бенистисно барча йўналишдаги матбуотнинг яқдил фикрига қараганда, учрашув «Тошкент руҳи» таъсири остида — ахдлашувчи томонларга конструктив қарорларга келиш йўлларини топиш учун максимум шарт-шароит таъминлаб берган ишчан ва қулай вазиятда ўтганлиги туфайлигина, музокараларнинг ана шундай натижа билан тугалланиши мумкин бўлди. Бинобарин, жаҳон афкор оммаси шундай вазиятни яратиб берганлиги учун бу учрашувни ташкил этишдек машаққатли, лекин олижаноб вазифани ўз зиммасига олган Совет Иттифоқи ҳукуматидан ҳақли суратда миннатдор бўлмоқда. Музонара қатнашчиларининг ўзлари ҳам СССР ҳукумати музокаралар вақтида «назокатли, жуда эҳтиёткор, лекин жуда конструктив роль» ўйнади, деб баҳо бердилар. Учрашувнинг муваффақияти Совет Иттифоқи беғаразлик, тинчликсеварлик билан кўрсатган холис хизматларнинг самараси деб, тинчликсевар Совет сиёсати ва дипломатиясининг ғоят катта зафарли тантанаси, деб баҳоланмоқда.

Тошкент учрашувини ва унинг қарорларини тарихий воқеа, деб атамоқдалар. Бунинг учун, шубҳасиз, ҳамма асослар бор. Бунда гап фақат учрашувнинг жанжалли шиб қолган икки қўшни ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси бўлганлигидагина эмас.

Тенг ҳуқуқлар асосида ўтказиладиган музокаралар столи атрофида урушларнинг ва қон тўкишларнинг чеканиши мумкинлиги Тошкентда бешак исбот қилинди. Шу сабабдан, бу воқеага Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган низоли масалаларни бартараф этишга баранали таъсир кўрсата олувчи омил, деб қаралмоқда. Шу маънода олганда, халқаро муносабатлар билан дипломатия тарихи ҳозирги дунёда вужудга келаётган можароларни, чегара жанжалларини ва бошқа зиддиятларни оқилона равишда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи яна бир ижобий мисол билан бойиди.

Тошкент Декларацияси, шак-шубҳасиз, ўзларининг ғаразли талончилик мақсадларини рўёбга чиқариш учун халқаро кескинликнинг сақлаб қолинишидан манфаатдор бўлган совуқ уруш кучларига катта зарба бўлиб тушди. Тошкентдаги учрашувларнинг муваффақияти, ҳатто равшан кўриниб турган бўлса ҳам, реакция кучлари ғаламуслик қилиб пропаганда мақсадидаги разилона гапларни тарқатишда давом этмоқдалар, тузилган битимнинг амалга оширилиши хусусида гумон туғдиришни мўлжалламоқдалар, адоватнинг яна бошланиб кетишига ва можаронинг кескинлашишига ошкора умид боғламоқдалар.

Бироқ, Покистон билан Ҳиндистон раҳбарлари Тошкент Декларациясини амалга оширишда ҳозирдаёқ амалий чораларни кўриб қўйдилар. Ҳиндистоннинг янги Бош Министри Гулзорилаъл Нанда ўзининг марҳум ўтмишдоши олган мажбуриятларга қатъиян риоя этажагини айтди. Л. Б. Шастрини дафн этиш маросимида қатнашиш учун Деҳлига келган Покистоннинг Ҳиндистондаги олий комиссари ўз вазифаларини бажариш учун ўша ерда қолди. Ҳиндистоннинг Покистондаги олий комиссари яқин фурсатда Карочига қайтиб боради. Ҳар иккала мамлакатнинг ҳукуматлари декларациянинг руҳига ва ҳарфига амал қилиб, радио орқали нодўстона гапларни айтишни тўхтатиш тўғрисида фармойиш бердилар ҳамда газеталарга мурожаат қилиб, вақтли матбуот саҳифаларида ҳам бундай пропагандани тўхтатишга чақирдилар. Шундай қилиб, ўз халқларининг бахт-саодати йўлида бошланган ишни муваффақият билан поёнига етказиш учун Ҳиндистон билан Покистонда ҳамма имкониятлар бор.

ГАВАНА РУҲИ

Тошкентдан қарама-қарши ярим шарда, Куба пойтахтида уч қитъа — Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг тақдирига бевосита даҳлдор бўлган бошқа бир муҳим, тарихий воқеа муваффақият билан ниҳоясига етди. Уч қитъадаги ўнлаб мамлакатлар ҳукуматлари, революцион ва ишчи партиялари, партизан ва прогрессив ҳаракатларининг беш юздан кўпроқ вакили инсониятнинг, тараққиётнинг асосий душмани бўлган империализмга қарши биргаликда курашиш проблемаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Делегатлар ялпи мажлисларда ва турли комиссияларда империализмга ва мустамлакачиликка қарши ягона фронт тузишга қаратилган бир қанча амалий чораларни ишлаб чиқдилар. Гаванадаги бирдамлик конференциясининг ғоят катта тарихий аҳамияти ҳам мана шундадир.

Сиёсий комиссия умумсиёсий доклад юзасидан муҳим резолюция тайёрлади. Вьетнамга бағишланган махсус резолюцияда американинг ана шу мамлакатга қарши агрессияси кескин қораланди ҳамда қаҳрамон Вьетнам халқига халқаро миқёсда ҳар тарафлама маънавий ва моддий ёрдам кўрсатайлик, деган шиор майдонга ташланди. Комиссия уч қитъанинг Вьетнам билан бирдамлик комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Турли комиссияларда Доминикана Республикаси, Ангола, Таиланд, Камбоджа, Конго (Леопольдвиль), Бразилиядаги, шунингдек империалистлар билан мустамлакачиларнинг бевосита ёки бавосита агрессиясига дучор қилинаётган бошқа мамлакатлардаги аҳвол тўғрисида резолюциялар қабул қилинди.

Конференция делегатлари уч қитъа бирдамлигининг доимий ишлаб турувчи ташкилотини тузиш тўғрисида Совет делегацияси киритган таклифни астойдил қўллаб-қувватладилар. Бундай ташкилот бўлиши зарурлигини шу нарса тақозо этмоқдаки, империализм халқларга қарши иссиқ ёки совуқ уруш олиб бормоқда, «катта ғарб»нинг кўпол кучи билан милий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга уринмоқда, мустамлакачилик эксплуатация сиртмоғини каттиқроқ тортишга ҳаракат қилмоқда, қарам мамлакатларнинг бойликларини талаб нетмаётган қитъа ҳозирги кунда қолгани йўқ.

Миллий озодлик кураши қисқа тарихий муддат ичида уч қитъада эллиқдан ортиқ мустақил давлатнинг ташкил топишига олиб келди. Барча революцион кучлар ва халқ кучларининг бирлиги ва жипслиги золимлар билан оғир жангларда мустақилликни қўлга киритишга, бунинг учун кўпинча ўзининг энг яхши фарзандларини қурбон қилишга мажбур бўлаётган ўнлаб бошқа халқларга бебаҳо хизмат кўрсатади. Мана шу сабабдан, Гаванадаги бирдамлик конференцияси эрксевар кучларни империализм таҳдидига қарши сафарбар этишда тарихан муҳим босқич бўлди.

Конференция белгилаган вазифаларни сира кечиктирмай амалга ошириш зарур. Буни шу факт ҳам таъкидламоқдаки, империализмнинг бош таянчи бўлган Қўшма Штатлар тобора ошкора равишда ўз сиёсатини ҳарбийлаштириш йўлини тутмоқда. Гавана конференцияси ўтиб турган кунларда АҚШ президенти Жонсон конгрессга мактуб юбориб, Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган уруш учун, бошқа мамлакатларнинг халқларига қарши амалга оширилаётган жандармчилик ва иғвогарлик ишларини кучайтириш учун янги-янги милиардлар ажратишни талаб қилди.

САНТО-ДОМИНГОДАГИ ҲАЯЖОНЛАР

6 январдан 7 январга ўтар кечаси президент саройи томон бораётган танкларнинг гулдур-гулдури Доминикана Республикаси пойтахти аҳолисини яна уйқудан бедор қилди. «Тартибни сақловчи кучлар» составида Санто-Домингони оккупация қилиб турган 82-Америка ҳаво-десант дивизиясининг автоматлар ва тепкисиз тўпларга қуролланган солдатлари шаҳардаги асосий позицияларни эгаллаб олди. Ғарб агентликларининг мухбирлари яна бир давлат тўнтариши бўлганлигини хабар қилиш учун телеграфга қараб чопди.

Дарҳақиқат, армиядаги бир гуруҳ реакцион офицерлар исёнга ўхшаш бир иш уюштиришга уриниб кўрди. Армиянинг баъзи бўлинмалари ва бир неча броневик уларнинг буйруғи билан пойтахт атрофидаги йўлларни тўсиб қўйди. Офицерлар ҳукуматга қарашли радиостанцияни бир неча соатгача босиб олиб, Гарсиа Годой ҳукуматини ағдариб ташлашга чорловчи даъватларни эшиттира бошлади.

Бироқ, офицерларнинг даъватларига ҳеч ким қулоқ солмади. Тўнтариш муваффақиятсизликка учраб, исёнчилар казармаларга тарқалиб кетди. Илгари сўл кучлар ва конституциячилардан ўч олинган бўлса, исёнчиларга нисбатан ҳеч қандай репрессия чоралари кўрилмади. Бу ҳолат ҳам доминиканаликларни жуда қаттиқ даргазаб қилди.

Гап шундаки, тўнтариш қилишга уринган офицерлар орасида 19 декабрда конституциячилар раҳбари полковник Франсиско Кааманьога суиқасд қилишда иштирок этган кишилар кўп экан. Бир қанча сиёсий, касаба союз ва студент ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланган конституциячилар Америка оккупациячи қўшинларининг йўл қўйиб бериши натижасида қилинган суиқасд айбдорларини жазолашни талаб қилдилар.

Гарсиа Годой ана шу американликларнинг ўзи билан қатор маслаҳатлар ўтқазгандан кейин, 30 чоғлик офицерни чет эллардаги турли дипломатик вазифаларга тайинлаб, уларни ўзига хос «фахрий сургун»га жўнатиш ҳақида қарор чиқарди. Бироқ, Кааманьонинг ўзи бошлик бир неча конституциячилар ҳам «фалакнинг гардиши» билан айбдорлар даврасига тушиб қолди. Кааманьога Лондонда ҳарбий атташе вазифасида ишлаш таклиф қилинди.

Президентнинг «оқилона қарори» сўзларни дарғазаб қилиб юборди. Ўнглар ҳам президентга бўйсунишдан бош тортдилар ва бошданоқ муваффақиятсизликка маҳкум бўлган ана шу исённи нўтардилар. «Вашингтон пост» газетасининг эътироф этишича, «Доминиканда ҳарбийлари Американинг қуралларнинг розилиги билан Годойни ҳайдамоқчи ва ҳарбий хунта ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эди».

Реакционерлар билан уларнинг американлик ҳомийлари тузган режалар фош этилиб, бунинг натижасида қаҳр-ғазаб тўлқини янада кучайиб кетди. 70 та касаба союз ташкилоти, Доминиканда меҳнаткашлари конференцияси ва бир неча сиёсий партиянинг чақирриғига биноан, 10 январда бир кунлик ялпи норозилик забастовкаси эълон қилинди. 11 январда пойтахт мариазида ўзўзидан Америкага қарши намойишлар бўлиб ўтди, бир қанча жойларда полиция билан шиддатли тўқнашишлар содир бўлди. Хабар қилишларича, ўлдирилганлар ва ярадор қилинганлар бор, бир неча киши қамоққа олинган.

Жамоатчиликнинг очиқдан-очиқ тазйиқи остида фитначи офицерларнинг нўпчиликлари ўзлари тайинланган вазифаларда ишлаш учун жўнаб кетишга рози бўлганлигини билдиришга мажбур бўлди. Вазият барқарорлашмунча юмшади, бироқ, аҳвол ҳамон кескин ва беқарор бўлиб қолмоқда.

Ялпи забастовкага раҳбарлик қилган комитет меҳнаткашларга ишни яна бошлаб юборишни таклиф қилиб, касаба союзларини «американликлар империализми»га зарба бериш учун доимо жанговар шай ҳолатда туришга чақирди.

К. БЕЛЯЕВ. (ТАСС).



ВДР. Суратда: Куангнинь провинцияси осмонини ҳимоя қилаётган Халқ армияси батареяларидан бири. Декабрнинг сўнгги кунларида бу провинция зенитчилари 14 та Америка самолётини уриб туширдилар. ВИА-ТАСС фотоси.

✱ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Дарвозада Яшин** (ҳужжатли фильм), 18.40 — **Ташаббус қўллаб-қувватланди** (саноат ходимлари учун), 19.00 — **Реклама ва эълонлар**, 19.05 — **«Потёмкин» броненоси** (бадиий фильм).

20.15 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.35 — **Уэгалар кўрсин деб** (телефильм), 20.45 — КПСС XXIII съезди шарафига. **Жон Андижон**, 22.00 — **Концерт** (область театрлари артистлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.35 — **Уқиш ҳақини қайтаринг** (телефильм).

Ўзбек тилида: 19.20 — **Дўстлар ҳаётидан** (болалар учун), 19.40 — **Тошкент янгиликлари**, 19.50 — **Кеча яншанба эди** (телефильм), 20.00 — **Чирчиқ энергетиклари** (телеочерк).

Рус тилида: 20.20 — **Катта дўстлик. Ватан байроғи остида** (ҳужжатли фильмлар), 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Алмиқан** (телефильм).

✱ ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Фауст**, 19/I да **Оқшом нўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Гамлет**, 19/I да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Ишқинг билан.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи** ва **«Арслонлар» аттракциони.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
20 январда
ПРЕМЬЕРА
Рашид Ҳамроев асари

Зулматдан зиё

3 пардали опера
Туроб Тўла либреттоси
(**Ойбек**нинг «Қутлуғ қон» романи асосида)

Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ф. Шамсиддинов**, постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **М. Муҳамедов**, хормейстерлар — **Л. Шамшин, С. Шодмонов**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **М. Мусаев**, балетмейстер — СССР халқ артисти **М. Турғунбоева.**

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги коллегияси ва «Узводоканал» трести Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Янгийўл шаҳар водопроводининг бошлиғи, 1928 йилдан КПСС аъзоси

Абдумалик ШОРАҲМЕДОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инструктори Н. Р. Иброҳимова онаси

Сотиҳон ИБРОҲИМОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Бизнинг адрес ва телефонлар
СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26. Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323, Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283, Партия турмуши — 33469, 27221, Пропаганда — 31226, Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

№ Г — 16. Индекс 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 06049.